2 9 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 81 (20. 948) 1991 йил 26 апрель, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

КПСС Марказий Комитети билан КПСС Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1991 йил 24 апрель куни КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш йўллари тўғрисида.

2. Ташкилий масалалар.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев кириш нутқи сўзлаб очди.

Пленум ишида КПССнинг сайлаб қўйилган марказий органлари таркибига кирмаган Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг, жумҳурият, ўлка, вилоят ва округ партия комитетларининг биринчи котиблари, Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари ва назорат органларининг раислари, ҳарбий округларнинг қўмондонлари, ҳарбий-сиёсий бошқармаларнинг бошлиқлари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари ва Иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларидаги коммунистлар фракцияларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Бош вазири В. С. Павлов маъруза қилди.

Музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Қозоғистон ССРдаги «Улбинск металлургия заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети котибининг ўринбосари П. В. Волков, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеев, Волгоград вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. М. Анипкин, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев сўзга чиқдилар.

25 апрелда КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми ўз ишини давом эттирди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИДА 1991 ЙИЛ 24 АПРЕЛЬ КУНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ КОТИБИ М. С. ГОРБАЧЕВнинг КИРИШ НУТҚИ

Мамлакатдаги ва партиядаги ҳозирги сиёсий вазиятга онд энг муҳим фикрларни Пленумга маълум қилиш зарур, деб ҳисоблайман. Биз бениҳоя мураккаб вазиятда йиғилдик. Жамиятдаги муҳит кескинлашиб бормоқда. Партияда ҳам муҳит кескинлашмоқда. Бу ўз-ўзидан рўй бераётгани йўқ. Ҳар тарафдан қаттиқ баёнотлар берилмоқда, олисни кўзловчи, халқнинг ва давлатнинг тақдирига дахл қилувчи сиёсий талаблар ўртага қўйилмоқда.

Ҳозир ҳис-ҳаяжон билан қарорлар қабул этиш иштиёқига берилмаслик жуда муҳимдир. Ҳозир бамайлихотир қуруқ назарий фикр-мулоҳазалар юритадиган пайт эмас, албатта. Давлатимизни вайрон қилиш хавфини туғдирувчи яна бир ўта инқилобий шубҳали ишга мамлакатни дучор этиб ёхуд ўтмишга, бироз бежалган тоталитар тузумга қайтариб, уни ислоҳотлар йўлидан тойдириб юборишга оғиздагина эмас, амалда ҳам уринишлар бўлмоқда. Сўл ва ўнг радикалларнинг режаларида нималар кўзда тутилаётганини изоҳлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Бу йўналишларнинг иккаласи ҳам ҳалокатлидир. Аммо улар ўзаро муросасиз душман эканликларига қарамай, энди топишиб олганликлари ҳозирги пайтдаги энг катта хавфдир.

Бир хил шиорларнинг ўзи баб-баравар ўртага ташланаётганига бир қаранг! Бир неча ойдирки, «Демократик Россия» ҳаракатининг экстремистлик кайфиятидаги раҳнамолари оғир иқтисодий аҳволдан меҳнаткашларнинг кўп жиҳатдан ҳаққоний норозилигидан ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиб, меҳнат жамоаларини, халқ депутатлари съездини ва СССР Олий Кенгашини тарқатиб юбориш, Президентни ва Вазирлар Маҳкамасини истеъфога чиқариш тараблари қўйишга ундаб қолмоқдалар. Энди РСФСРдаги, бошқа баъзи жумҳуриятлардаги айрим партия комитетлари, шунингдек «Союз» гуруҳидаги баъзи депутатлар ҳам уларнинг шиорларини деярли сўзма-сўз такрорлаб, ўша талаблар билан чиқмоқдалар.

Аммо, келинглар, башарти мазкур талаблар амалга ошса, нима бўлишини сергаклик билан тасаввур қилиб кўрайлик. Қонуний давлат тузилмаларининг вайрон қилиниши муқаррар равишда хатарли ҳокимиятсизликка олиб борган бўлур эди. Ҳозир экстремистлик даъволари билан бир-бирига яқинлашиб бораётган хилма-хил сиёсий кучлар бир-бирлари билан юзма-юз тўқнашиб қоладилар. Конституциявий тартиб, қонуний сайланган ҳокимият органларининг фаолияти ҳозир жамиятда кураштаётган ижтимоий кучлар, партиялар ва ҳаракатлар ўртасига тўсиқ қўймаса, охир-оқибат шундай бўлиб чиқади. Уларнинг ҳаёлий уюшмаси ҳар бир томоннинг давлат ва жамият устидан танҳо ҳукмронлик қилиш муддаосини узоқ вақт яшира олмайди. Муқаррар равишда шафқатсиз, эҳтимол ки оммавий олишув содир бўлади. Бу олишувда ким устун келмасин, демократик тартиб-қоидалар ўрнини навбатдаги бедодлик олади. Соддароқ қилиб айтсак, баъзи кишилар ҳозирги конституциявий режимни талқин этаётганидек, уйдирма диктатура эмас, балки жуда ўтакетган диктатура бўлади. Мамлакатни ислоҳотлар йўли билан, яъни тинч воситалар билан янгилашдек тарихий имконият бой берилади. Бутун мамлакат, халқ миллион-миллион фуқаролар доғда қоладилар.

Мен буларнинг ҳаммасини жуда рўй-рост айтяпман. Ҳозир, айниқса бу ерда партия анжуманимизда бундан бошқача гапириб бўлмайди. Вазиятнинг таҳлилидан ҳар бир соғлом фикрли киши учун чиқадиган хулоса шу: **мавжуд конституциявий тартибни бузишга асло йўл қўйиб бўлмайди.** Ҳозир иқтисодиётда ва сиёсатда ҳақиқатан ҳам ўзгартишларга эҳтиёж катта. Ҳар қандай, шу жумладан энг қатъий ўзгартишларга ҳам фақат конституциявий қонунийлик доирасида эришиш мумкин. Бизда биринчи бор эркин сайланган халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Кенгаши бор, жумҳуриятларнинг ваколатли олий ҳокимият органлари бор, ошкоралик бор. Мана шулар доирасида ҳар бир партия ва ҳаракат мазкур демократик муассасалардан ва совет қонунларидан фойдаланиб, ўз мақсадларига эришишга ҳақлидир. Шу жумладан, табиийки, сиёсий раҳбарлик ва ҳокимият учун курашишга ҳақлидир. Пугачевчилик усуллари билан, парламентдан ташқаридаги дўқ-пўписа йўли билан, ҳатто мамлакат иқтисодиётининг кулини кўкка совуриш билан дўқ-пўписа қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар кескин рад этилиши керак.

Мамлакатдаги демократик жараённи бузишга йўл қўймасликни ва конституциявий тартибни барча қонуний чоралар билан қатъий мустаҳкамлашни биринчи даражали бурч деб биламан. Шундай қилинмаса, иқтисодий тангликни бартараф этишнинг ҳатто энг яхши дастурлари ҳам яхши ниятлигича қолавериши муқаррар равишда. Конституциявий тартибни тиклаш ва мустаҳкамлаш— аввало давлат ҳокимияти барча идораларининг, ҳар бир мансабдор шахснинг бевосита вазифаси, албатта. Аммо бу умуман бутун жамиятнинг, барча чин демократик кучлар, гуруҳлар ва ташкилотларнинг ҳам вазифасидир.

Оғизда эмас, балки амалда ватанпарварлик мавқеида турган барча сиёсий кучлар ва ҳаракатлардан манфаатпарастликни йиғиштириб, ўзаро даъволарни лоақал вақтинча бўлса-да, кечиктиришни, мамлакат қийин пайтни бошдан кечираётган даврда унга қаддини ростлаб олишда ёрдам беришни вазият талаб қилмоқда. Шу ўринда айтишим керакки, кеча менинг 9 Иттифоқдош жумҳурият Президентлари, Олий Кенгашларининг Раислари, ҳукумат раҳбарлари билан учрашувимда шу фикр тушуниб олинганлиги намоён бўлди. Учрашувда қабул этилган баёнот матбуотда эълон қилинди. Агар унда кўзда тутилган чора-тадбирлар изчиллик билан бажарилса — улар бажарилиши учун биз ҳамма ишни қилишимиз керак, бу нарса вазиятнинг ривожида бурилишнинг бошланиши бўлиб қолиши мумкин.

Мунозара ўткир бўлди, бир неча соат давом этди, бироқ вазият умумий манфаатларни кўзлаб, халқ манфаатларини кўзлаб иш тутиш имкониятини беришини келишиб олинган чора-тадбирлар кўрсатиб турибди. Учрашув қатнашчилари мамлакатдаги вазиятнинг нақадар қалтислигини англаб, қўшма баёнотда ҳамма жойда конституциявий тартибни тиклаш, янги Иттифоқ шартномаси ва СССРнинг янги Конституцияси қабул этилгунча амалдаги қонунларга оғишмай риоя этиш ҳамиятдаги вазиятни барқарорлаштиришнинг зарур шарти эканини таъкидладилар.

Ҳар бир фикр жиддий мунозара натижасида қабул қилинганини айтиб ўтмоқчиман. Шу билан бирга ўтказилган Умумиттифоқ референдумининг якунларини эътиборга олиб янги Иттифоқ шартномасини тузиш тангликни бартараф этиш учун биринчи галдаги вазифа эканлиги якдиллик билан таъкидланди.

Қўшма баёнотда Иттифоқ идоралари билан жумҳуриятларнинг 1991 йилги иқтисодий битимда мустаҳкамлаб қўйилган мажбуриятлари ва аввало бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш соҳасида бу мажбуриятларни бажариш зарурлиги таъкидланди. Мамлакат халқ хўжалигидаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида учрашув қатнашчилари саноатнинг базавий тармоқларида, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарда, темир йўл транспортида алоҳида иш тартибини жорий қилиш зарурлигини айтдилар.

Меҳнат жамоаларида, жамоатчилик орасида тез-тез ўртага қўйилаётган — мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Узоқ давом этган мунозара натижасида конституциявий тартибни мустаҳкамлашни ва бунинг учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутиб, қўшма баёнотда ёзиб қўйилган тарзда иш тутиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ва ишлаб чиқариш учун қишлоқ хўжалиги ва умуман деҳқончилик-саноат комплекси корхоналарига ҳар томонлама мадад бериш устивор вазифалар сифатида илгари сурилди.

Бунда бозор муносабатларига ва янги улгуржи нархларни жорий этишга ўтиш шароитида қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги муносиб айирбошлашни таъминлайдиган воситани тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишни Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳукуматлари йилнинг шу чорагидаёқ тугаллашлари лозимлиги назарда тутилди.

Жумҳуриятларнинг раҳбарлари халқ истеъмоли молларининг чакана нархлари ўзгартирилгандан кейинги вазиятни таҳлил этиш асосида нарх-наво сиёсатига муайян тузатишлар киритишга оид бир қанча чора-тадбирларни амалга оширишни зарур деб ҳисобладилар.

Ҳозирги масъулиятли даврда халқ манфаатлари, мамлакатни тангликдан чиқариб олиш, жамиятдаги демократик ўзгартишларни давом эттириш соҳасидаги амалий иш ҳамма вазифалардан устун қилиб қўйилиши лозимлиги қўшма баёнотда таъкидлаб ўтилган. Учрашув қатнашчилари сиёсий мақсадларга фуқароларнинг итоатсизлигига, иш ташлашларга гиж-гижлаш, давлат ҳокимиятининг қонуний сайланган мавжуд органларини ағдариб ташлашга даъватлар қилиш йўли билан эришиш соҳасидаги уринишлар мақбул эмаслигини айтдилар.

Назаримда бу — ҳозирги вазият тақозоси билан ва ҳаммамизнинг зиммамиздаги масъулиятни англаш туйғуси билан қабул этилган мана шу принципиал амалий ва ижобий баёнотдир. Бу баёнот мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришда, жамият ривожидаги қийинчиликларни бартараф этиш соҳасида куч-ғайратларни бирлаштиришда, танглик ҳолатидан тезроқ чиқиб олиш чора-тадбирларини амалга оширишда ўз ролини ўйнайди.

Кучли ижтимоий ҳимояланиш шароитида бозорга ўтишга, ҳуқуқий давлатни шакллантиришга, Иттифоқимизни умумхалқ хоҳиш-иродаси изҳори якунларига мувофиқ ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларни бундан буён давом эттириш учун зарур сиёсий муҳит вужудга келтирилмоқда. Буни «Қонунлар урруши»дан чарчаган, узлуксиз қарама-қарши туришдан соғломлаштириш ишида куч-ғайратларни бирлаштирайлик!

9. Совет хотин-қизлари! Умумий хонадонимиздаги тинчлик ва тотувликни, фарзандларимиз фаровонлиги ва бахтини ҳимоя қилайлик!

10. Йигит ва қизлар! Сизлар янгиланган мамлакатимизнинг келажагисиз! Билимларни, касб маҳоратини, сиёсий маданиятни қунт билан эгаллангиз!

11. СССР Қуролли Кучларининг жангчилари! Ҳарбий интизомни, ўртоқлик ва байналмилал қардошликни мустаҳкамлангиз, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги ўз конституциявий бурчингизни муносиб бажарингиз!

12. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасоратига абадий шон-шарафлар бўлсин!

Фидокорона ва тинч меҳнати билан Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшган фахрийларга таъзим ва ҳурмат!

13. Хорижий мамлакатлардаги коммунистларга, демократия, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча кишиларга қардошлик саломи!

14. Яшасин барча халқларнинг ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги ва тотувлиги!

Жумҳурият Олий Кенгашида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитети 25 апрель куни халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советларининг фахрийлар ҳамда ногиронлар ишлари масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялари раҳбарларининг кенгашини ўтказди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари доимий комиссияларининг бозор иқтисодиётига ўтиш ва чакана нархлар оширилиши шароитида меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг овқатланиши, даволаниши, дам олишини уюштириш борасидаги ишлари тўғрисида жойлардан олинган хабарлар тингланди.

Кенгаш ишида вилоятлар ва Тошкент шаҳри Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг аъзолари, вазирликлар, идораларнинг вакиллари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети

Сиёсий бюросининг

1991 йил 1 Май

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни — 1 Май!

2. Ватандошлар! Фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлик йўлида бирлашайлик. Мамлакатимизга— Иттифоқ шартномаси, ҳар бир хонадонга — тинчлик!

3. Коммунистлар! Қайта қуришнинг асосий мақсадларига эришиш — самарали иқтисодиётни вужудга келтириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш асосида совет кишиларига муносиб турмушни таъминлаш учун жипслашайлик!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатда конституциявий тартибни мустаҳкамлаш учун қатъий курашингиз!

5. Совет Иттифоқи фуқаролари! Кўп миллатли давлатимиз яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайлик!

6. Советлар мамлакатининг ишчилари! Сизнинг уюшқоқлигингиз, сабр-қаноатингиз, самарали меҳнатингиз — долзарб вазифаларни ҳал этишнинг, мамлакатни тангликдан олиб чиқишнинг асосий кафолатларидир! Халқ хўжалиги вайрон бўлишига йўл қўймаймиз!

7. Қишлоқ меҳнаткашлари! Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, ҳар бир оиланинг фаровонлиги сизларга боғлиқ! Ер ислоҳотини амалга оширайлик!

8. Фан ва маданият арбоблари! Жамиятни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш ва ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш ишида куч-ғайратларни бирлаштирайлик!

9. Совет хотин-қизлари! Умумий хонадонимиздаги тинчлик ва тотувликни, фарзандларимиз фаровонлиги ва бахтини ҳимоя қилайлик!

10. Йигит ва қизлар! Сизлар янгиланган мамлакатимизнинг келажагисиз! Билимларни, касб маҳоратини, сиёсий маданиятни қунт билан эгаллангиз!

11. СССР Қуролли Кучларининг жангчилари! Ҳарбий интизомни, ўртоқлик ва байналмилал қардошликни мустаҳкамлангиз, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги ўз конституциявий бурчингизни муносиб бажарингиз!

12. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасоратига абадий шон-шарафлар бўлсин!

Фидокорона ва тинч меҳнати билан Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшган фахрийларга таъзим ва ҳурмат!

13. Хорижий мамлакатлардаги коммунистларга, демократия, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча кишиларга қардошлик саломи!

14. Яшасин барча халқларнинг ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги ва тотувлиги!

• *Республикамиз далаларида*

ПАРВАРИШ БОШЛАНДИ

Фарғона ноҳияси пахта пайкалларида чигит экиш мавсуми деярли якунланди. Ноҳиядаги «Коммунизм», Ленин, Карл Маркс, Димитров, Охунбобоев номли хўжаликлар деҳқонлари эса ғўза парваришини бошлаб юбордилар.

«Коммунизм» жамоа хўжалиги пахтакорлари 20 апрелгача 655 гектар ерга «Тошкент—6» навли пахта уруғи экишганди. Ҳозирги пайтда 200 гектардан ортиқ майдонда чигит тўла унib чиқди.

Хўжалик далаларида ғўза парваришн қизғин. Деҳқонбой Жўраев бошлиқ бригада далаларида тракторлар шовқини бир дақиқа ҳам тинмайди. Обиджон Темиров ва Умарали Мавлонов каби тажрибали механизаторлар бошқараётган «Т—28» тракторлари ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беряпти. Муҳаммаджон Сурматов, Раҳмиддин Турдиматовлар бошлиқ бригада далаларида ҳам ғўзага дастлабки ишлов бериляпти.

— Пахтакорларимиз ғўзани ўғитлаш, қатор ораларига ишлов бериш, яганалашга жиддий киришиб кетдилар, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Шокиржон Исроилов. — Зеро, шу кунларда тез ҳаракат қилган деҳқон ютади.

Ҳа, раис ҳақ. Баҳорнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси пахта фойдасига ишлаяпти. Шу кунларда тезкорлик оддий иш нормасига айланган ерда иш унумли бўлади.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚИЙҒОС УНИБ ЧИҚДИ

— Қаранг, чигит қулоқ кўрсатиб қолибди, — деди бригадир Қўзибой Эрматов қувончини яшира олмай. Афтидан бунинг ўзи ҳам кутмаганми, пуштани бармоқлари билан титкилаб, бир дона чигитни олиб кўрди.

— Демак, тўғри қилган эканмизда, а, бригадир? — деди раис Абдурашид Турдиев ҳам хушхабардан қувончини яшира олмай.

Оби-тобини билиб иш бошлаган, қийинчиликдан қўрқмаганларнинг иши ўнгидан келар экан. Ёмғиргача деярли 70 гектардан зиёд ерга чигит экиб бўлинганди. Ер тафти жойига келиб қолган эканми, ёмғир айни чигитлар учун жон малҳами бўлди. Ниҳоллар ер қобиғини ёриб ёруғ жаҳон юзини кўрди.

Бу йил ҳар гектар экилган майдон учун механизаторга икки сўмдан, сеялкачига эса бир сўму саксон тийиндан ҳақ тўланди.

Фрунзе номли жамоа хўжалиги Гулистон районининггина эмас, бутун Сирдарё вилоятининг энг юқори зонасига жойлашган.

— Бундан қирқ-эллик йил илгари мана шу жойлардан ҳам дарё суви оқиб ўтарди, — дея хотирлайди Қўзибой Эрматов. — Энди дарё чекиниб, унинг ўрнида экинзорлар пайдо бўлмоқда. Шу боисдан ерларимиз қумлоқ. Ёзда 8—9 маротаба суғоришимизга тўғри келади. Шундай қилмасак, ҳосил ололмай қоламиз.

Суҳбатга жамоа хўжалиги раиси Абдурашид Турдиев қўшилди:

— Ўтган йили 130 гектар ерга тезпишар «С—6524» ғўза навини экиб, синовдан ўтказдик. Натижа кутганимиздан ҳам аъло бўлди. Шунинг учун бу йил қариб 500 гектар майдонга шу навли чигит экишга қарор қилдик.

Фрунзе номли жамоа хўжалиги ўтган йили давлатга пахта сотиш режасини биринчилардан бўлиб адо этган эди. Бу йил 1039 гектар ернинг ҳар гектаридан 24,5 ўрнига камида 30 центнердан сифатли ҳосил етиштириш мўлжалланмоқда. Дастлабки уруғ тушган майдонларда чигит қийғос унib чиққанини кўрган тадбиркор деҳқонлар илк ишловга ҳозирлик кўрмоқдалар.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИДА 1991 ЙИЛ 24 АПРЕЛЬ КУНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ КОТИБИ М. С. ГОРБАЧЕВнинг КИРИШ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

маса халққа қарши сиёсат ўтказишда айбламоқдалар. Мана шу ғиғогарона гаплар пасткаш нашрлардагина эмас, Компартияларнинг баъзи матбуот органларида ҳам тарқатилмоқда. Бундай баёнотларнинг нақадар асоссизлиги ва масъулиятсизлигини кўрсатиш учун далил-исботларни баён этишга ҳозир менда имконият йўқ. Аммо қисқача бўлса ҳам асосий гапни эслатмай ўта олмайман.

Аввало, тоталитар режимнинг узоқ давом этган ҳукмронлиги натижасида мамлакатимиз технология жиҳатидангина эмас, кейинги йилларда биз мутлақо инқирозга юз тутган ижтимоий соҳада ҳам тарихий тараққиётнинг чеккасида қолиш хавфига яқинлашиб қолганини ҳеч ким инкор қила олмайди. Тоталитаризм халқнинг ижодий кучларини бўғиб келди. Бу кишанларни улоқтириб ташлаш керак эди. Қайта қуриш айни шундай қилди. Мамлакат кўп ўн йиллар давомида биринчи марта яна эрк олиб, ҳамманинг баданига сингиб кетган қўрқув ва бўғиқликдан халос бўлганлигининг ўзи, халқ эса ўз тақдирини ҳал этишда қатнашиш имкониятини олганлиги — буни мамлакат тарихидаги биринчи умумдавлат референдуми ҳам тасдиқлади, — қайта қуришнинг тарихий заруратлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, ислоҳотлар қийинчилик билан борди.

Ҳа, биз бир талай хатоларга йўл қўйдик, ҳаммасини олдиндан фаҳмлай олмадик. Ҳа, жуда ўткир сиёсий кураш авж олиб кетди. Аммо буларнинг ҳаммаси — ваҳима учун сабаб эмас. Бу — вазиятнинг бутун мураккаблигини холисона, ҳаққоний таҳлил қилиш асосида жипслашиш ва қатъий ҳаракат қилиш учун негиздир. Ҳозир Марказий Комитетга тинимсиз келиб турган резолюциялар, қарорлар, мурожаатномалар, хатларда мен икки оқимни жуда аниқ кўриб турибман. Бир оқимда қайта қуриш туфайли бошланган ишни ўнглаш, тузатиш, мустаҳкамлаш ва давом эттиришга астойдил интилиш сезилиб турса, бошқасида бутун қайта қуриш сиёсатини обрўсизлантиришга, уни бошдан-оёқ муваффақиятсизлик ва боши берк кўча деб эълон қилишга, шу тариқа, аслида жамиятни чуқур ислоҳ қилиш йўлига барҳам беришга интилиш муддаоси сезилиб турибди. Масала, аслида, мана шундан иборат.

Партиялилар оммаси орасидаги кўп кишилар ҳозир саросимага, баъзилари эса умидсизликка, айрим партия раҳбарлари эса ҳатто, жазавага тушиб қолдилар, албатта. Бу вазият В. И. Ленин партия билан мамлакатни Янги иқтисодий сиёсат сари кескин буриб юборган даврда партияда вужудга келган ижтимоий-руҳий муҳитни эслатади. Эсингизда бўлса, ўша пайтда бир талай большевиклар норозилик белгиси сифатида партиядан чиққан эдилар. Ҳозирги кунни Янги иқтисодий сиёсат сари кескин бурилиш қилинган Ленин даврига ўхшатиш учун руҳий асосгина эмас, шу билан бирга чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий асослар ҳам бор. Ўша пайтда Ленинни Октябрь ишидан, ишчи ва деҳқонларнинг манфаатларидан чекинди, социализм қоидаларидан орқага қайтди, деб айблаган эдилар. Партия тарихини яхши биладиган кишилар буни эслайдилар. Булар мен бу ерда тилга олаётган энг юмшоқ иборалардир.

Афсуски, ўша пайтда Лениннинг социализм ҳақидаги янги нуқтаи назарини, унга янгича ёндашиш ҳақидаги ғояларини амалга оширишга муваффақ бўлинмади. Бетоб Ленин теварагидаги сиёсий фитналар, уни гўё яхши баҳоналар билан партия ва давлат қурилишига раҳбарликдан четлаштириш йўлидаги уринишлар устун бўлиб чиққан эди. Пировард натижада партияда ва мамлакатда Сталиннинг диктатураси қарор топди, унинг оқибатлари қандай бўлганлиги ҳаммага маълум.

Биз мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажагини ўйлаб Янги иқтисодий сиёсат қандай қилиб ва қайси кучларнинг таъсири остида тўхтатиб қўйилганини, миллий сиёсат бузилганини, ленинизмга садоқат, уни турлитуман оғишлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги дабдабали қасамлар остида Ленин таълимотининг жон-тани қандай барбод этилганини айниқса ёдда тутишимиз керак. Сиёсий хотирасизлик учун ҳаддан ташқари катта товон тўлашга тўғри келди. Бугун яна бир бор товон тўлаш эса жамиятимизни муқаррар равишда инқирозга олиб боришни билдирган бўлур эди. Хуллас, келинглар, эҳтиролар бизнинг Пленумимизни сиёсий соғлом фикр мавқеидан тойдириб юбормаслиги учун биргаликда ҳаракат қилайлик.

Мана шуларнинг ҳаммасини шунинг учун ҳам эслатиб ўтяпманки, ҳозир биз бошлаган бурилиш 20-йиллардаги бурилишдан жўн эмас.

Ҳозир Лениннинг даъватини — албатта, янгиланган тарзда, янги кескин бурилиш даврида такрорлаш ўринлидир. Коммунистлар ҳуқуқий давлатни ва бозорни ташкил этишни ўрганишлари керак. Дарвоқе, Ленин савдо қилишни ўрганишга қандай даъват этганини эсга олинг. Ишбилармонликка кўмаклашайлик ва айни вақтда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилайлик. Мулкни давлат ва монополия ихтиёридан чиқариб, уни бирон-бир тарзда меҳнат жамоаларига топширишга ҳаракат қилайлик. Жумҳуриятларнинг мустақиллиги ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш учун курашайлик. Курашиш билан бирга Иттифоқ давлатимизнинг бутунлигини қатъият билан ҳимоя қилайлик.

Мураккабми? Қийинми? Хатарли! — Ҳа! Ҳатто ҳаддан ташқари мураккаб дейиш мумкин. Демократия, ошкоралик, кўп партиялилик шароитида ишлаш мамлакатни мажбур қилиш усуллари билан идора қилишдан кўра минг карра қийинроқ. Бироқ бундан бошқа йўл йўқ.

Раҳбарият шаънига ва аввало Марказий Комитетнинг Бош котиби сифатида менинг шаънимга айтилаётган айблашларга қайтаман. Ташкилий масалани ҳал этиш учун фавқулодда съезд чақириш тўғрисидаги талаблар ҳали ҳам эшитилиб турибди. Ҳозирги вазиятда партия ва давлат раҳбари лавозимларини бирга қўшиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини биз кўп марталаб муҳокама қилдик. Мен бу хусусдаги ўз фикримни ўзгартирганим йўқ. Раҳбарлик курсисига қандайдир шахсий мулоҳазалар билан асло ёпишиб олган эмасман. Гап менда эмас. Бу лавозимларда ким бўлмасин, ҳозир уларни бирга қўшиш мутлақо ҳаётий заруратдир.

Бутун масъулият билан шундай демоқчиман: кимдаким ислоҳотлардан бирон-бир тарзда воз кечадиган бўлса, аслида, жаҳолатпарастлик мавқеига ўтиб олади, оммадан узил-кесил ажралиб қолиш хавфи вужудга келади, кўпгина вазиятлар сабабли ҳозир омманинг партияга ишончи заифлашиб қолди. Бундай қилиш «сўл» ва ўнг экстремистлар учун энг яхши совға бўлур эди, ҳақиқатда уларга ҳамма имкониятларни очиб берган бўлур эди. Дарвоқе, бу соҳада ҳам бир-бирига зид томонлар ҳайратомуз тарзда яқинлашиб қолмоқдалар: соҳта демократлар КПСС устидан суд ўтказишни ва уни тақиқлаб қўйишни талаб қилмоқдалар, баъзи партия фаоллари эса душманлар ва хоинларни партия раҳбарлари орасидан изламоқдалар.

Халқ орасида яшаб ишлаётган КПСС аъзоларининг аксарияти гуруҳбозликнинг яна бир юқумли иллати нақадар хавфли эканини тушуниб турганликларига аминман. Афсуски, бу иллат партия кадрларининг бир қисмига юққанини тан олмоқ керак. Сергак фикрловчи жиддий кишилар партияни ислоҳотлар йўлидан оздиришга йўл қўймайдилар. Уни пешқадам сиёсий куч тариқасида қайта тиклаш имконияти шундан иборатки, танлаб олинган йўлдан бориб, жамиятимизни янгилашга ҳар томонлама кўмаклашиш керак. Агар шу йўл ғолиб келса, халқ яна партияни қўллаб-қувватлайди ва шунда у ҳар қандай сиёсий душмандан чўчимайдиган бўлади. Мен мана шу демократик оқим, халқ оқими билан охиригача боришга тайёрман.

Кўп кишилар партия дастури тезроқ қабул этилишини қистамоқдалар. Шу ҳақда қисқача гапириб ўтмоқчиман. Партия дастурининг лойиҳасини тайёрлаш иши давом этмоқда. Менинг фикримча, уни КПСС Уставида кўзда тутилган Бутуниттифоқ партия конференциясида, эҳтимол, шу йилнинг охирларида кўриб чиқиш мумкин бўлур эди. Эҳтимолки, бундан эртароқ ҳам мумкин бўлар. Ҳа, конференцияда, масалан, партия Уставига ўзгартишлар билан боғлиқ бўлган баъзи бир етук ташкилий масалаларни, агар зарур бўлса, кадрларга оид масалаларни ҳам ҳал қилиш мумкин бўлур эди.

Ҳозирги ҳаддан ташқари оғир шароитда ҳам собитқадамлик билан самарали ишлаш қобилиятини йўқотмаган соғлом кучлар партияда кўплигига ишонаман ва буни биламан. РСФСР, Украина, Белоруссия, Озарбайжоннинг бир қанча вилоятларида шундай кучлар бор. Қозоғистон, Ўрта Осиё жумҳориятлари Компартиялари дадил ва фаол ишламоқда. Хушомад қилиш ва ўзимга ўзим таскин бериш учун эмас, балки ҳақиқат учун, ваҳимага тушмасдан мардона, партиявий тарзда ишлаётган одамларга, ва бутунбутун ташкилотларга одилона баҳо бериш учун бу ҳақда гапиряпман.

Бироқ бу ерда ҳозир ҳам юқоридан қуйигача бутун партиямиз ишидаги энг катта зайфлик ҳақида гапирмаса бўлмайди. Биз кенг партияли фаоллар билан ҳам, бутун аҳолининг гуруҳлари билан ҳам ишлашда турмуш жўшқинлигидан орқада қоляпмиз. Натижада ишчилар синфининг сиёсий пешқадами сифатида юзага келган ҳукмрон партияга ялпи ижтимоий танглик шароитида ишчилар ҳаракатининг бир қисми қарши бўлиб қолди. Ана шу ишчилар билан ҳақиқат тилида гаплашгандагина унинг амалий ҳаракатлар изига тушиб олишига, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси бўлишига ёрдам бериш мумкин. Ишчилар синфининг манфаатларига садоқат ҳақидаги ваъдалар кор қилмайди. Биз ишчиларнинг ишончига тўла-тўкис муносиб бўлишимиз, берилган ваъдани қатъият билан бажаришимиз лозим. Ишчилар ҳаракати сафларига четдан турлитуман сиёсатбозлар кириб олаётганини кўрмаслик ҳам ярамайди, албатта. Ишчилар ҳаракатининг баъзи раҳнамолари ҳам унга фойдадан кўра кўпроқ зиён етказмоқдалар. Биз, коммунистлар ишчилар ҳаракатининг манфаатларини кўзлаб, буни ишчиларга тўғридан-тўғри ва рўй-рост айтишга мажбурмиз. Ниҳоят, сўнггиси. Коммунистлар учун ишчилар ҳаракатида фаол ишлаш — унинг раҳнамолари билан сидқидилдан, қизиқиб, одоб ва сабр-тоқат билан ишлаш демакдир. Уларнинг барча амалий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лозим.

Партия ташкилотлари ва комитетлари партиявий ўртоқлик руҳида зўр ғайрат билан сиёсий ва ташкилотчилик иши олиб бориши орқалигина ҳозирги бениҳоя қийин вазиятдан чиқиб олиш мумкин.

Партиямиз Марказий Комитетининг ушбу Пленумини очиш пайтида сизлар билан ўртоқлашмоқчи бўлган фикрларим ва таклифларим мана шулардан иборат.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

Арманистон ССРда қабул қилинган ҳамда жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган ҳужжатлар ҳақида

Арманистон ССР Олий Кенгаши 1991 йилнинг 6 февралида «Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тўғрисида» Қонун қабул қилди. Шу Қонунга биноан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилар бирон-бир ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг аъзолари бўла олмайдилар. Раҳбар идоралари, пул билан таъминлаш ва моддий ёрдам манбалари жумҳуриятдан ташқарида бўлган ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолиятига ижозат берилмайди. Давлат идоралари, муассасалари, ташкилотларида, ўқув юртларида, корхоналарда ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ички ташкилий тузилмаларини барпо этиш тақиқланади.

Қонунда аслида сиёсий сабабларга кўра, муайян касб билан шуғулланиш тақиқланади, Умумиттифоқ жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг Арманистон ҳудудидаги фаолияти тўхтатилади. Бу нарса СССР Конституциясининг 34, 39 ва 51-моддаларига, ССР Иттифоқининг халқаро мажбуриятларига зид бўлиб, СССРда тузилган жамоат ташкилотларига нисбатан камситувчи тусдадир.

1991 йилнинг 17 апрелида Арманистон ССР Олий Кенгаши «Арманистон Коммунистик партияси ва собиқ Арманистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Мазкур ҳужжат Умумиттифоқ ташкилотлари мол-мулки вужудга келиши манбалари тўғрисида аввал бошданоқ сохта, уйдирма важларга асосланади ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонунига, шунингдек, «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунига, ҳамда «Арманистон жумҳуриятида мулкчилик тўғрисида»ги Арманистон ССР Қонунига зиддир. Бу қонунларда жамоат ташкилотларининг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш кўзда тутилмаган. Рўйхатдан ўтказилган КПСС Уставига биноан унинг мулки умумпартиявий бисот ҳисобланади ва республиканинг ҳужжатига биноан тортиб олиниши мумкин эмас.

Арманистон ССР Олий Кенгашининг мазкур қарорини ижро этиш юзасидан республика Вазирлар Кенгаши 1991 йил 18 апрелда қабул қилган қарорда Арманистон ССР Олий Кенгашининг ғайриқонуний ҳужжатини амалга ошириш юзасидан аниқ чоралар кўзда тутилган.

Юқорида баён этилганларни эътиборга олиб, СССР Конституцияси 127/3-моддасининг 1 ва 9-бандларига асосланиб **қарор қиламан:**

1. СССР Конституциясига ва «ССР Иттифоқи қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг амал қилишини таъминлаш тўғрисида» 1990 йил 24 октябрда қабул қилинган СССР Қонунига биноан Арманистон ССРнинг «Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни қоидалари ҳамда республика Олий Кенгашининг «Арманистон Коммунистик партиясининг ва собиқ Арманистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида»ги қарори Умумиттифоқ қонунларига зид ва қабул этилган пайтдан бошлаб ҳуқуқий кучга эга эмас, давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролар томонидан ижро этилиши лозим эмас.

2. Арманистон ССР Вазирлар Кенгашининг «Арманистон Коммунистик партиясининг ва собиқ Арманистон ЛКСМнинг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш тўғрисида»ги 1991 йил 18 апрель қарори СССР Конституциясига ва СССР Қонунларига зид бўлганлиги учун унинг ижроси тўхтатиб қўйилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 23 апрель.



«Ўзбектрансгаз»нинг Зирабулоқ компрессор станциясида йирик қувурлар орқали Бухородан келаётган «зангори олов» тозаланиб, босими оширилган ҳолда мамлакатнинг турли шаҳарларига йўналтирилади.

СУРАТДА: Бахтиёр Муяссаров бошлиқ (ўнгдан иккинчи) технология ишлари мутахассислари сменани қабул қилиш олдидан.

Т. НОРҚУЛ олган сурат.

---

24 апрель куни Кремлда СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг аъзолари миллий тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш, совет кўп миллатли давлати умумий манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда Иттифоқ парламенти шу палатасининг вазифасидан тўла фойдаланиш ниятида тўпландилар. Кун тартибига киритилган Жанубий Осетия ва унинг теварагидаги вазиятни нормаллаштириш, Молдова ССРда тотувликка эришиш йўллари ҳақидаги масалалар шу вазифага жуда мос эди.

Мажлисда СССР Конституциявий назорат комитети, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети вакиллари, Россия, Грузия парламентларининг депутатлари, Жанубий Осетия жамоатчилигининг вакиллари қатнашдилар.

Р. Н. Нишонов мажлисни очиш чоғида муҳокама қилиш учун киритилаётган масалаларнинг муҳимлигини таъкидлади. У СССР Президентининг тўққиз жумҳурият олий давлат органлари раҳбарлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувининг матбуотда эълон қилинган

КЕЛИШИШ ЙЎЛЛАРИНИ ИЗЛАБ

қўшма баёнотда таърифлаб берилган якунлари кўриб чиқилаётган масалалар билан бевосита боғлиқлигини айтди. Қабул қилинган ҳужжат аслида бутун ўтиш даврига мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ташкилий тадбирларнинг ғоят кенг кўламли ва оператив дастуридир. Вазифа таклиф этилган барча чора-тадбирларни изчиллик билан оғишмай бажаришдан иборат.

Депутатларнинг эътибори учрашув қатнашчилари шу учрашувда қатнашаётган жумҳуриятлар делегацияларидан томонидан янги Иттифоқ шартномасининг имзоланиши зарурлиги тўғрисида айтган гапларига қаратилди. Шу билан бир пайтда улар Болтиқбўйи жумҳуриятларининг, Молдова, Грузия ва Арманистоннинг шартномага қўшилиш-қўшилмаслиги тўғрисидаги масалани уларнинг ўзлари ҳал этиш ҳуқуқини таъкидладилар ҳамда Иттифоқ шартномасини имзолаган жумҳуриятлар учун, яъни улар барпо этадиган ягона иқтисодий макон доирасида энг қулай режим белгилашни таклиф қилдилар.

СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши Раиси шу муносабат билан СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши номидан Латвия, Литва, Эстония, Молдова, Грузия ва Арманистон парламентлари ва халқларига мурожаат қилиб, уларга ҳамма нарсани яна ўйлаб кўришни, тарихий имкониятни қўлдан бермасликни, ўз манфаатларини кўзлаб ягона Иттифоқ иқтисодий бирлик аъзоси мақомининг афзалликларидан фойдаланишни таклиф этиш ўз вақтида қилинган таклиф бўлур эди, деб уқтирди. Бунинг устига Иттифоқдан ажралиш катта қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозир янгиланган Иттифоқ вужудга келтираётган ҳақиқий имкониятлардан фойдаланмаслик оқилона иш бўлмайди. Агар кимдир бозор рақобати уммонида бир ўзи ёлғиз сузиш йўлини танлаб олса, биз кўп нарсага эга бўлмаймиз, балки кўпроқ нарсани йўқотамиз. Бошланаётган рақобат довулларидан биргалашиб ўтиш анча осон бўлади, деди Миллатлар Кенгашининг Раиси.

Сўнгра депутатлар Жанубий Осетиядаги вазиятни муҳокама қилишга киришдилар. Апрель ойининг бошларида музокара олиб бориш учун Тбилисига борган депутатлар гуруҳининг топширигига биноан А. Г. Баленко сўзга чиқди. У Иттифоқ парламенти аъзоларининг жумҳурият раҳбарлари билан суҳбатлари бўлиб ўтган вазиятни мураккаб вазият деб атади. Шунга қарамай музокаралар протоколи имзоланди, унда минтақада вазиятни изга солишга қаратилган муҳим тадбир қайд этилди. Гап Грузия жумҳурияти раҳбарларининг вазиятни назорат қилиш ва шошилинч чоралар кўриш юзасидан кенг ваколатлар бериладиган парламентлараро комиссия тузишга розилик бергани ҳақида бормоқда. Мунозара қатнашчиларининг фикрича, минтақадаги вазият тўғрисида расмий ахборот бериш ваколати фақат шу комиссияга берилиши томонларнинг бир-бирига қарама-қарши туришини бартараф этиши лозим бўлган ғоят муҳим жиҳатдир.

Тўғри, Тбилисида имзоланган протоколда ушбу комиссия ишида қатнашиш учун уч парламент — Иттифоқ, Россия ва Грузия парламентлари аъзоларини таклиф этиш кўзда тутилган. Бироқ, кўпгина депутатлар шу масалага доир қарорни муҳокама қилиш чоғида комиссияда Жанубий Осетия депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этиши зарур деб талаб қилдилар. Депутатлар Миллатлар Кенгашининг қарорига кўпчилик овоз билан шу тузатишни киритдилар.

Мажлисда парламентлараро комиссия СССР Вазирлар Маҳкамаси яқинда тузган ҳукумат Ишчи гуруҳи билан биргаликда иш бошлаши маълум қилинди, бу Ишчи гуруҳи уч парламент депутатларига бўйсунади.

Кун тартибидаги иккинчи масала — Молдова республикасидаги аҳвол тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш пайшанба кунига кўчирилди.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
С. ИВАНОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбирлари.

КИЧИК КОРХОНАЛАР РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

«Кичик корхоналар: уларни ташкил этиш тажрибаси, улар учун техника ва технология» мавзуида республикамиз пойтахтида ғоялар ярмаркаси ташкил этилди. Фан-техника ахбороти Ўзбекистон илмий-тадқиқот институти билан СССР илмий-муҳандислик жамиятлари уюшмасининг Тошкент вилояти бошқаруви бу ярмарканинг ташкилотчиларидир.

Ғоялар ярмаркаси саноат корхоналари вакилларидагина эмас, балки ишбилармонларда ҳам катта қизиқиш уйғотганлиги табиийдир. Чунки, бу ерда энг сўнгги ишланмалар (200 га яқин) ҳақидаги ахборотлар билан танишиш имконияти яратилган.

Ярмарка доирасида белгиланган тадбирлар турлича. Амалий учрашувлар мобайнида тижорат битимларини тузиш ҳам кўзда тутилган. Илмий-тадқиқот институти жамғармаларидаги намуналар ва ахборотлар билан таниншган иштирокчиларнинг фикрича, ўз корхонасида қўлланса арзийдиган янгиликлар кўп.

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА БАҒИШЛАБ

Тошкентда очилган халқаро кенгаш ичкиликбозлик ва бангиликка қарши курашнинг долзарб муаммоларига бағишланган. Кенгашда СССР, Австрия, Венгрия, Бельгия ва польшалик олимлар, мутахассислар қатнашмоқда. Учрашув дастурига кўра, ана шу даҳшатли дардга қарши кураш соҳасидаги туб тадқиқотларни ривожлантириш натижалари ва истиқболлари муҳокама қилинади, муҳим ижтимоий муаммони ҳал этишнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Ичкиликка рўжу қўйган кишиларни ҳамда бангиларни даволашдаги янгича ёндашувлар, биргаликдаги тиббий дастурларни ишлаб чиқиш, соғлиғни сақлашнинг бу соҳасида олиб борилаётган халқаро тадқиқотларни мувофиқлаштириш имкониятлари муҳокама қилинмоқда. Совет олимлари хорижий шериклар билан ҳамкорлик борасида тажриба тўплаганлар. Улар, жумладан, Брюссель дорилфунуни ва Польша психиатрия илмгоҳи мутахассислари билан муваффақиятли ишламоқдалар, Буюк Британия ва Швеция наркологлари билан амалий алоқалар кенгаймоқда.

Икки кунлик кенгашда тажриба алмашилади, бангиликка ва ичкиликбозликка қарши курашнинг самарали воситалари ҳамда усулларини излаб топишда мутахассисларнинг куч-ғайратлари бирлаштирилади.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

24 апрелда СССР Журналистлар уюшмаси съездининг иккинчи кунида конфедерация асосида СССР Журналистлар уюшмасини тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Эндиликда бу ташкилот мустақил журналистлар уюшмаларининг иттифоқидан иборат.

Конфедерация асосидаги СССР Журналистлар уюшмасининг Низоми қабул қилиниши, шубҳасиз, шу кунинг асосий воқеаси бўлди. Бу ҳужжат уюшма журналистикани ҳар томонлама ривожлантириш ва юксалтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишида журналистлар уюшмалари кучғайратларини бирлаштириш ва уларнинг ҳаракатларини жипслаштириш мақсадида тузилган, сиёсий партиялардан мустақил бўлган ва ўзини ўзи бошқарадиган ижодий ташкилотлигини белгилаб беради.

Съезд делегатлари матбуот ходимлари ижодий ташкилоти тузилганидан буён унинг тарихида биринчи марта журналист касб этикаси кодексини тасдиқладилар. Бу ҳужжат журналист фаолияти ижтимоий масъулият, ҳаққонийлик, холислик, виждонан иш тутиш, ҳалоллик, умумбашарий қадриятларни, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга асосланишини билдиради. СССР Журналистлар фондининг низоми, уюшма фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб берадиган тўртта дастур ҳам қабул қилинди.

Съездда қоғоз, матбаа хизмати ва матбуотни муштарийларга етказиш нархлари оширилганлиги ошкоралик ва матбуот эркинлигига қилинган ҳужум деб аталди. Балки айни шу сабабли бугунги мажлисда СССР алоқа вазирининг ўринбосари Е. А. Манякин сўзга чиқди.

Раҳбар органлар — Конфедерация кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси тузилди. «Юний техник» журналининг бош муҳаррири В. И. Сухомлинов СССР Журналистлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди.

«Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Съезд шу билан ўз ишини тамомлади.

(ТАСС мухбири).

ПРОКУРАТУРА ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

Бухорода Прокуратура ходимларининг СССР Олий Совети қарори асосида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида прокурор назоратини янада такомиллаштириш масаласига бағишланган минтақа кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида Қорақалпоғистон жумҳурияти, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларининг прокуратура ходимлари қатнашдилар. Шунингдек унда СССР Прокуратураси масъул ходимлари, тармоқ илмий тадқиқот институтларининг мутахассислари, давлат стандарти, молия, арбитраж ходимлари иштирок этишди.

Кенгашни республика прокурорининг биринчи ўринбосари Н. Норпўлатов очди.

Кенгашда бозор иқтисодиёти ва қонунчиликни мустаҳкамлашга доир қатор маърузалар тингланди.

Ҳозирги шароитда умумий назоратни кучайтириш юзасидан тавсиянома ишлаб чиқилди.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Ер ости тинч турсин десангиз агар,
Сизлар Ер устида сўйламанг ёлғон.

Абдулла ОРИПОВ.

ЗИЛЗИЛА

БУНДАН 25 ЙИЛ МУҚАДДАМ, 1966 ЙИЛ 26 АПРЕЛЬ ТОНГОТАРИДА ТОШКЕНТ...

Чорак асрдан кейин мен яна зилзила марказига келдим. Бу — ўша илгариги Қашқар маҳалла. Ҳозир бу даҳада Марказ-4, Марказ-5, Марказ-6 деган маҳаллалар барпо этилган. Зилзила ботбот ҳуруж қилиб турган 1966 йилнинг апрель ва май ойларида эса уйлар тўкилиб тушган, одамлар чодирларга кўчиб чиқишган эди. Бола-чақа кўчада, чолу-кампир, қозон-товоқ кўчада.

Хуллас шаҳар аҳолисининг ҳузур-ҳаловати бузилди. 100 минг оила офат сабабли бошпанасиз қолди. Орадан шунча давр ўтганидан кейин рўзномаларнинг таҳламларини кўтариб, ўша кезлар ёзилган мақола ва лавҳаларимизга назар ташласак, шоир айтмоқчи, офат ва жасоратни бир қадар ошириброқ ёзган эканмиз.

...Мана, ҳозир мен В. И. Ленин проспектидаги тошкентликлар жасорати шанига қўйилган обида олдида турибман. Ер қаъридан балою қазо худди аждаҳодек тўлғаниб чиқяпти. Паҳлавон ўзбек йигити мурғак гўдагини хотинини кўкрак кериб ҳимоя қилаётгандек. Ушбу тошда битилган достон одам хаёлини ўтмишга етаклаб кетади.

Зилзила йиллари Тошкентга мамлакатнинг турли гўшаларидан минг-минглаб бинокорлар, меъморлар, лойиҳачилар, ҳуллас қурилишга ярайдиган мутахассислар, ишчилар келишган эди. Таассуфки, ҳозир халқлар дўстлиги шарафига қасидалар битиш урф бўлмай қолди. Аммо қўлни кўксимизга қўйиб, чин кўнгилдан шуни айтиш керакки, ўша дўстлик, ўша қардошлик туфайли она шаҳримиз Тошкент кул орасидан чиққан афсонавий қақнус қуши каби янгитдан туғилгани рост. Етмишинчи йилларнинг бошида она шаҳримизда йилига 1 миллион квадрат метрга етказиб уйжой тикланган эди. Шу боисдан ҳам қадимий Шош офат яраларига тез малҳам топди.

Зилзилага қадар Тошкентда қанча уй-жой мавжуд бўлса, яна шунча уй-жой қурилди. Дарвоқе, ўз-ўзидан бўлмайди. Бу юмушлар замирида партия, совет ва хўжалик ташкилотлари, она шаҳримизга ёрдамга келган минг-минглаб қурувчиларнинг меҳнати бор. Орадан чорак аср ўтганидан кейин шаҳар эски иморатлари чангини қоқиб, замонага яраша тўн кийганидан кейин ҳам баъзи ҳамкасб дўстларимиз ўша давр хусусида паст-баланд гапларни ёзишяпти. Ҳа, гуруч курмаксиз бўлмас. Ўша келган қурувчилар орасида пул кетидан қувганлар ҳам бўлди. Тошкентни ватан деб билиб, шу ерда қолиб кетганлари ҳам топилади. Лекин хонавайрон бўлган уйлардан кўчиб, саноқсиз тошкентликлар янги уйларга киришгани ҳам аниқ. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, ўша улуғ ишларни назар-писанд қилмаслик ҳам гуноҳи азимдир.

Мафқурамизнинг собиқ раҳбарларидан бири эски шаҳарни феодализм сарқити деб атаган эди. Сарқитми, сарқит эмасми, — ҳозир баҳслашиб ўтириш жоиз эмас. Лекин ҳар тўрт тошкентликнинг ўрта ҳисобда бир нафари ўша қадимий гўшаларда — Сағбонда, Чиғатой дарвозасида, Абдулла Қодирий туғилиб ўсган даҳа — Самарқанд дарвозада, ҳазрати Имомда, Шайхонтовурда, Бешёғоч даҳасида... туғилиб ўсган. Уларга ўзлари вояга етган ана шу маҳаллаларнинг тупроғи азиз. Агар баландпарвозроқ қилиб айтадиган бўлсак, шу тупроқ уларнинг кўзига тўтиёдир. Минглаб оилалар шу кўҳна ҳовли-жойларда ота-боболари чироғини ёқиб ўтиришибди.

Эски маҳаллалар бузилиб, кўп қаватли уйлар тушаётганида одамнинг кўнгли бир хил бўлиб кетади. Бунинг боиси нимада экан?

Қанчадан-қанча улуғлар ўтган жой йўқ бўлиб кетаётганиданмикин? Бу ҳам бор, албатта. Лекин болалик, ёшлик ўтган жойлар барҳам топишининг ўзи ҳам армонлидир. Ҳа, худди шундай. Бироқ масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам бор. Ёз кунлари, айтайлик, Сағбон кўчасига йўлингиз тушганми? Ахлат уюлиб ётади. Сув қувурларида худди ўша сув оз — етишмагани учун одамлар сарсон бўлиб қолишади.

Қанализация-қу ўрни-тагида йўқ. Газли баллон олиб келадиган машиналарни кутавериб, хотин-халаж жиғгапирдим. Лекин бундай кўчаларни кўпчилик ҳамшаҳарларимиз ҳам тилга олишлари мумкин.

СССР Олий Советига сайлов арафасида кўпгина депутатликка номзодларимиз, шу жумладан «Ўзбекгидроэнергострой»дек катта қурилиш ташкилотининг бошлиғи Эргашев ҳам эски шаҳардаги қурилишлар хусусида кўпгина ваъдалар беришган эди. Мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз иқтисодий аҳволи танг эканлигини кўриб-билиб турсакда, аммо муҳтарам депутатларимиздан: «Хўш, ваъданинг устидан чиқиш учун бирор-бир жўяли иш қилдингизми?» деб сўраш ўринли бўлар.

2 миллион нафардан кўп тирик жонни едириб-ичириб, кийинтириб, иш топиб бериб, уйли-жойли қилган Тошкентимизда муаммолар тўлиб ётибди. 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида уйжой билан ёки квартира билан таъминлаймиз, деган шиоримиз бамисоли, мушакдек кўзни қамаштирди-ю, заминга кулдек тушиб кетди. Ялтироқ гаплар бошқа-ю, ҳаёт бошқа. Мабодо, кўп болали оилалар санаб чиқиладиган бўлса, Тошкент мамлакатдагина эмас, Осиёда ҳам биринчи ўринни олса ажаб эмас. Шунинг учун қонунчилигимизда (агар биз ҳақиқатан ҳам ижтимоий адолат учун курашаётган бўлсак, агар биз ҳақиқатан ҳам миллий урф-одатларни, демографик шароитни ҳисобга олишга азми қарор қилган бўлсак) серфарзанд оилаларни алоҳида рўйхатга кўра уй-жой билан таъминлашни назарда тутиш лозим бўлади.

Ҳозир Тошкентда қанчадан-қанча ота-оналар ўғлини уйлантира олмай ҳуноб. Уй қурай деса — ери йўқ. Ижарада турадиганларга бундан ҳам ёмон. Балконлар ётоқхонага айланган. Сичқон айланмайдиган ошхонада эса болалар дарс тайёрлайди ва шу ерда ётади. Хуллас шаҳар ҳокимияти ўз фуқаролари ва айниқса етти пуштининг киндик қони шу тупроққа тўкилган тошкентликларнинг манфаатини ўйлаб иш тутиши керак.

Етмишинчи йилларнинг бошида Тошкентнинг янги бош режаси муҳокама қилинаётганда, шаҳарнинг бош меъмори — бу янги план Парижнинг режасига ўхшаб кетади, — деган эди. Меъмор бу гапларни яхши ният билан, эҳтимолки, шоирона эҳтиросга берилиб кетиб айтгандир. Менга қолса, шу кекса Шошнинг бир фуқароси сифатида Тошкентимизнинг Парижга ҳам, Лондонга ҳам, борингки Токиога ҳам ўхшашини истамас эдим. Чунки Тошкент — Ўзбекистон пойтахти. Унинг ўзбекка хос ўз тўни, ўз чиройи, савлати ва шукуҳи бўлиши керак. Зилзиладан кейинги анчагина қурилишларда миллий меъморчилик меросидан фойдаланишга ҳаракат қилингани тўғри. Бу кўпроқ Тошкент марказида, маъмурий ва томоша биноларининг архитектурасида акс этди. Шу ўринда меъморлардан Собир Одилов, Лев Адамов, Фарҳод Турсунов, Владимир Шестопалов, ганчкор уста Маҳмуд Усмонов, ёғоч ўймакори Қодиржон Ҳайдаров ва уларнинг юзлаб шогирдлари жонбозлик кўрсатишганини айтишимиз керак. Зилзиладан кейин қурилган уйларда, ҳайриятки, Хрушчев даврининг каталак-каталак нусха лойиҳаларидан андоза олинмади. Аммо, барибир, маҳаллий мутахассисларимиз ва бинокорларимиз лойиҳалаштирилган ва қурган анчагина маҳаллаларда, даҳаларда бетон қутичадек уйлар кўп. Ўзбек оиласининг анъаналари, бугунги турмуши, оила аъзоларининг кўплиги зарур даражада инобатга олингани йўқ.



Бунн қарангки, зилзиладан кейни 25 йил ўтиб кетипти. Ҳамду санолар даври ўтмиш бўлиб қолгани учун ҳам биз ана шу сана муносабати билан кўпроқ муаммоларга тўхталдик. Умид шуки, шояд, 2016 йилда яъни зилзиладан кейин ярим аср ўтгач, ушбу мўътабар рўзномамиз саҳифаларида шу хусусда битилажак мақолада фақат ижобий гаплар бўлса.

Абдулла АБДУҚОДИРОВ.

● Тошкент жамоли. (ЎзТАГ фотохроникаси).

• Халқ манфаати — ҳамма нарсадан улуғ

БАЛКИ ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ҲИМОЯ ҚИЛАРМИЗ?

● Ўзбекистон ССР Президентининг бир қанча Фармонлари ва республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари нархнаво ўсиб бораётган шароитда ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган.

Талабалар, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларда ўқиётган ёшлар стипендияларига қўшимчалар олишди. Бундан илгарироқ умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари учун текин нонушта берила бошланганди. Энди нархнаво кўтарилиши билан Ўзбекистон ҳукумати болалар меъёрида овқатланиши, яхши тарбияланиши, ўсибунишлари учун республика бюджетидан 225 миллион сўм пул ажратиб, янги қадам ташлади. Бу билан қимматчилик бироз бўлсада юмшайдиганга ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси адолатли ва оқилона иш, албатта. Лекин бизни бошқа бир савол қийнайди: маблағларни ким ва қандай тасарруф қилади?

Масалан, Ўзбекбирлашув кенгашининг йиғилишида келтирилган далилларни олиб кўрайлик. Унда республика Президентининг 1—5-синф ўқувчилари ва камқонликдан қийналаётган аёлларнинг бепул овқатланишини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони қандай бажарилаётгани ҳақида гап борди. Текшириш натижасида бундай аёлларга тегишли гўшт маҳсулотлари ўрнига ун ва макарон берилгани, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятлар қишлоқ мактабларининг кўпчилигида ўқувчилар бепул нонушта ҳақида фақатгина эшитганликлари маълум бўлди.

Хўш, овқатланиш учун қандай шарт-шароит яратилган? Қорақалпоғистонда, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро вилоятларида қишлоқдаги ҳар икки мактабнинг биттасидаги ошхона вақтинчалик, мослаштирилган биноларда жойлашган, ҳар уч мактаб ошхонасининг биттаси сув ва канализация билан таъминланмаган.

Таомларнинг сифати-чи? Қорақалпоғистонда, Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида «овқатдан заҳарланиш ва ичак касалликларига йўлиққан ҳолатлар бўлди».

Афсуски, истеъмолчиларнинг савдо ва умумий овқатланиш ходимларига муносабатлари ҳозирча салбий бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Компартияси Назорат тафтиш комиссиясининг мажлисида таъкидланганидек, «Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Киров, Ленин, Чилонзор районларидаги бир қанча дўконларда ажратилган фондларга мувофиқ савдо шохобчаларига номенклатура бўйича молларнинг 10 кунлик миқдорини етказиб бериш қоидаларига риоя этилмаяпти, савдо қоидалари қўпол бузилган, харидорларнинг манфаатлари камситилган ҳоллар очиб ташланди. Аҳоли савдо ходимлари харидорларга нисбатан одобсизлик қилаётганликлари, баъзида эса қўпол муносабатда бўлаётганликларидан асосли равишда норози бўлмоқда...»

Истеъмолчи бундай воқеаларга ҳар куни дуч келади. Яхшиланиш сари бурилиш бўлганини кўрмайди. Кўпинча бунинг акси бўлади. Совет, партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, халқ назоратчилари, касаба уюшмаларининг ходимлари, фаоллар унинг манфаатларини ҳимоя қилаётганликларига қарамай шундай бўляпти... Модомики, назоратчиларнинг ана шу бутун армияси ўз вазифасини бажармаётган экан, бизнинг ўзимиз манфаатларимизни ҳимоя қиладиган вақт келмадимикан? Бугун дунёда истеъмолчилар жамияти муваффақиятли ишламоқда. Бундай жамият республикамизда ҳам бор. Ўтган йили ана шу жамиятнинг таъсис съезди бўлган, унинг Низоми қабул қилинганди. Лекин бундай жамият борлигини қайси биримиз биламиз ёки истеъмолчиларнинг биронтаси билармикан? Чунки, у шунчаки борлиги учун шундай бўляпти. Афтидан жамият ишлари самарадорликка эришишидан кимлардир унчалик манфаатдор бўлмаса керак.

Г. КОВАЛЬ,
ЎзТАГ мухбири.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«КИМНИ ЧАЛҒИТЯПСИЗ?»

Рўзномамизнинг ўтган йил 240-сонида «Қишлоқ оқшомлари» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Қашқадарё вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги нуқсонлар очиб ташланганди. Кейинчалик вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи С. Ниёзматова муҳарририятга хат йўллаб, мақолада ноаниқликларга йўл қўйилганлиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида бўлса-да, кўпроқ камчиликлар ҳақида ёзишга уринилганлигини таъкидлаганди.

Шундан сўнг вилоятдаги ўз мухбиримиз М. Каромов маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларни батафсил ўрганиб, яна кўп камчиликларни аниқлади. Бу нуқсонлар «Кимни чалғитяпсиз?» сарлавҳали материалда акс эттирилган. Ушбу мақола юзасидан ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДАН расмий жавоб олинди.

— Мақолада келтирилган фактлар текширилди. Ульянов районидаги «Москва» совхози раҳбарияти билан биргаликда нуқсонларни тугатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Совхоз маъмурияти ва қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитаси ҳаммом биносини шу ярим йилликда реконструкция қилиш ва уни Ульянов район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтиёрига бериш мажбуриятини олдилар. Бу бинода кийим тикиш, пойафзал ремонт қилиш ва қабул пункти ишга тушириладн.

Ун учинчи беш йилликка мўлжалланган режага кўра Ульянов районда 1992 йилда «Пахтакор» совхози маблағи ҳисобига маиший хизмат кўрсатиш уйини қуриш мўлжалланган. Бу ерда тўққиз хил хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари беш йиллик мобайнида 63 кишини маиший хизмат уйи ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларида ишлаш учун ўқитиш режалаштирилган.

Баҳористон районидаги 35-совхоздаги маиший хизмат уйи ремонт қилинди. Ҳозир сартарошхона ишлаб турибди.

«ИМКОНИЯТ БОРУ ҲАФСАЛА ЙЎҚРОҚ»

Рўзномамизнинг шу йил 1 февраль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН ССР ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИнинг расмий жавоби олинди.

Комитетнинг енгил атлетика бўлими жумҳурият олий спорт-маҳорат мактаби педагогик жамоаси билан биргаликда мақолани муҳокама қилди. Жумҳурият олий спорт-маҳорат мактаби кенгаш аъзолари мақоладаги танқидий фикрлар тўғрилигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, мактабда асосий эътибор лаёқатли енгил атлетикачиларни танлаб олиш, турли тадбирларни ўтказишга қаратилгану, жумҳурият ҳудудидаги спорт мактабларининг тренер-ўқитувчиларини ахборот ва методик қўллаб-қувватлаш билан таъминлаш иккинчи планга тушиб қолган.

Камчиликларни тугатиш мақсадида жумҳурият олий спорт маҳорат мактабининг енгил атлетика бўйича тренер-ўқитувчилари Фарғона, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига юборилди. Бундан ташқари республикада шу жумладан Тошкент шаҳрида ўтказиладиган спорт мусобақаларида енгил атлетикага оид муаммолар хусусида ахборотлар айирбошлаш таклиф қилинди.

Жумҳурият олий спорт-маҳорат мактабида тарбия ва методик ишларни янада яхшилаш мақсадида қўшимча директор ўринбосари лавозими таъсис этилди.

ДИПЛОММИ ЁКИ МАЛАКА?

Аслида олий таълим мутасаддилари жамиятда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлардан олдин юришлари керак. Чунки жамиятни ҳаракатга келтирувчи, уни мунтазам ижтимоий озиқлантирувчи кучлар айнан ана шу тармоқда камол топади. Аммо бу ерда талабалар сонини оширишу бўлимларни кўпайтириш билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Биз одатда мутахассис деганда дипломли кишини назарда тутамиз. Аммо барча олийгоҳлар ҳам ўз битирувчисининг юксак малакали эканлигига кафолат бера оладими? Олмайди, албатта. Энди бозор иқтисоднётида унақаси кетмайди: ёшлар истиқболсиз ёки саёз билим берадиган ўқув юртларига келмай қўядилар. Чунки бундай олийгоҳларни битирганлар кўчада қолиши турган гап.

Хўш, олий таълим қайта қуришнинг оғир синовидан қай тариқа ўтиши керак? Биз тайёрлаётган мутахассислар турмушдан муносиб ўрин топа оладиларми? Агар беш йил ўқитган талабамиз малакасиз бўлса, унга диплом бериш шартми? Бу саволлар ҳозирги кунда барчамизни ташвишга солмоқда. Шу боисдан мен улар хусусида ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Олий ўқув юртлари ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқада, аммо ўзи ҳам мустақил муассаса бўлиши зарур. Дарвоқе, олий таълим масканларининг мустақиллиги бўйича ҳукумат қарори ҳам чиқди.

Очиғини тан олиш керакки, биз кўплаб мутахассислар тайёрлаяпмиз. Айрим ўқув юртлари бир хил касб эгаларини эҳтиёжи ҳисобга олмай чиқаргани-чиқарган. Умуман, ҳозир истасак-истамасак мутахассислар бозори пайдо бўляпти. Бундай шароитда фақат юксак малакали мутахассисларгина турмушда ўз ўрнини топа оладилар.

Менимча, биз олий таълим соҳасини ҳаддан зиёд кенгайтириб юборганмиз. Натижада ўрта мактабни битираётган ёшларнинг кўпчилиги ўзларини олийгоҳларга урадилар. Айрим жойларда ҳужжат топширганларнинг 50 фоизи ўқишга қабул қилиняпти. Биз йигит ва қизларнинг қобилиятини инобатга олмаяпмиз. Шунинг учун ҳам минглаб қобилиятли ёшларни бой беряпмиз. Олийгоҳимиз олимлари, раҳбарлари бу борада ўзига хос тажриба ўтказмоқдалар.

Маълумки, болада зеҳн, қобилият мактабдалигидаёқ кўзга ташланади. Бу пайтда унинг нимага мойил эканлигини ҳам пайқаб олиш қийин эмас. Аммо мактабда бола кўнгил қўйган муайян касблар бўйича кўникма берилмаслиги мумкин. Бундай вақтда болага озгина туртки берилса, агар унинг ўзида озгина иқтидор бўлса қолганини эплаб кетади. Мактабларда ўтказилган танловларда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Икки йилдирки, апрель ойидан бошлаб ўқитувчиларимиз Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон мактабларига йўл оладилар. Дастлаб ноҳияларда ҳар битта битирувчи билан суҳбат қиламиз, қурилиш ва меъморчиликка қизиқувчиларни аниқлаймиз, уларнинг бу соҳадаги билимларини синаймиз. Кейин битириш имтиҳонларида қатнашамиз. Шуниси қизиқки, битириш имтиҳонлари биратўла кириш имтиҳони ҳам ҳисобланади. Унда ота-оналар, ўқитувчилар ва бизнинг домлаларимиз қатнашадилар. Айтмоқчиманки, ўртада ҳар хил гап-сўзларга, қинғир ишларга ўрин қолмайди. Учта кириш имтиҳонининг иккитасини ёшлар бевосита вилоятларда топширадилар. Қолган биттасини июнда Самарқандда қабул қиламиз.

Мақсад ота-оналарда агар уларнинг фарзандлари мактабда яхши ўқиса олий ўқув юртларига кира олиши мумкинлигига ишонтиришдир. Икки йил давомида ўтказилган имтиҳонлар шуни кўрсатдики, мактаб битирувчиларининг умумий савияси ҳали талабга жавоб бера олмайди. Мисол учун биз ўтказган имтиҳонларда ҳар юз боланинг Сурхондарёда 7 нафари, Самарқанд ва Қашқадарёда 25 нафари, Бухорода 15 нафари, Хоразмда эса 40 нафари ижобий баҳо олди.

Ўтган ўқув йилида биз ана шундай бир тажрибани синовдан ўтказдик. Боғишамол ноҳиясидаги мактабларнинг бирида қурилиш ва меъморчиликка мойил болаларни тўплаб иккита синф очдик. 55 ўқувчи бир йил давомида ҳам ўрта мактаб дастурини ўтди, ҳам бизнинг ўқитувчиларимиздан таълим олдилар. Уларнинг 38 нафари суҳбат орқали олийгоҳимизга қабул қилинди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва Боғишамол ноҳия ижроия комитети ёрдамида ана шундай эзгу ишга қўл урдик. Талабаларимиз 540 ўринли мактаб-интернат лойиҳасини тайёрладилар. Самарқанд атрофидаги вилоятлардан 8-синфни битирган, бизнинг касбимизга қизиқиши кучли болаларни бу ерга олиб келамиз. Улар икки йил шу ерда ўқишади ва суҳбат орқали олийгоҳга қабул қилинадилар. Бу мактаб қурилишини шу йил ёзда бошлаб юборамиз.

Қурилиш ноҳияда мураккаб жараён. Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳасида хом ашё ишчи ҳузурига келтирилади. Қурилиш ишининг бевосита даладаги ишдан фарқи кам. Бундан ташқари бу соҳада тартибсизлик ниҳоятда илдиз отиб кетган. Мутахассислар тайёрлашда масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам ҳисобга оляпмиз. Масалан, ҳозир қурилиш прорабидан кўп мутахассис йўқ. Шу боис биз граждан ва саноат корхоналари қурилиши бўлимини озгина қисқартириб, ўрнига шаҳар ва районларда ҳиёбон, боғ, гулзор, дам олиш жойларини лойиҳа қилувчи гуруҳ очдик.

Яна бир янги очилган гуруҳда эса қурилиш материаллари ва қурилмалари ишлаб чиқарувчи муҳандис технологлар тайёрланади. Қурилиш индустриясида бу касб ниҳоятда зарур. Ғишт, охак, бетон, темир-бетон, шағал ва бошқаларни назарда тутяпман.

Янги ўқув йилидан бошлаб қурилиш машина-механизмларини эксплуатация қилувчи ҳамда эколог муҳандис гуруҳлари очишни мўлжаллаяпмиз.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Мирзо Улуғбек номли Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти ректори, техника фанлари номзоди.

• Тажриба жойини маълум қиламиз

МАТБААЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Чакана нархларнинг ошгани Сурхондарё вилоят босмахонаси ишчиларининг иштаҳасини бўғиб қўйди. Босмахона раҳбарияти вазиятни ўз вақтида тўғри баҳоланди. Ишчиларга ҳар бир иш куни учун 1,5 сўмлик-дан бепул талон ташкил қилинди. Шу кичкинагина ғамхўрликдан, яъни таомнинг қиймат-лашган оғир юкини корхона ўз зиммасига олганидан ишчиларнинг бошн осмонга етгандек бўлди.

Шўрчи район босмахонаси ҳам жами 18 нафар ишчи учун бепул тушки овқат ташкил этди. Бу ерда дам олиш шароитлари ҳам яхшиланяпти. Босмахона жамоаси ижара пудратига ўтиб ишламоқда.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони» рейди

ҚИЙИҒИ ЧИҚМАЙ ҚЎЙМАЙДИ

Ҳозир давр ниҳоятда нозик. Чакана нархлар ислоҳ қилинганидан кейин моддий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолган фуқаронинг асаби гоят таранглашган. Шундай шароитда савдо ходимларининг ҳалол хизмат кўрсатиши, харидор билан яхши муомалада бўлиши, «ширин оши бўлмаса ҳам ширин сўзини аямаслиги» айниқса муҳим. Бироқ куни кеча ўтказилган текширишлар бу соҳада ижобий ўзгаришлар бўлмаётганлигини кўрсатди. Молларни яшириб сотиш, устама нарх қўйиш, тарозидан уриб қолиш, энг ёмони харидорга менсимай қўпол муомала қилиш ҳали ҳам давом этяпти.

Шофиркон районининг Дўрмон матлубот жамияти атторлик моллари дўкони мудири Н. Арслонова харидор ҳақидан 368 сўм уриб қолаётган пайтида фош этилди. Унинг «Ёшлик» универмагидаги ҳамкасби Ш. Ҳайитова эса 2113 сўмлик тақчил буюмларни яшириб қўйибди. Рейд қатнашчилари Навбаҳор районидаги Бешработ матлубот жамияти универмагининг омборида 35156 сўмлик чет эл буюмларини яшириб қўйилган жойидан топиб олдилар. Қорақўл шаҳар матлубот жамияти экспедитори Г. Паёнов 120 қоп биринчи нав гуручни, «Ўзбекбургаз» трести ишчилар таъминоти бўлимининг 4-дўконн сотувчиси Н. Субҳонқулова 2700 сўмлик чет эл пойабзалини пинҳона сақлаб қўйиб, нархлар ошгандан кейин сотишга жазм қилишган экан.

Бухоро шаҳар марказий универмаги раҳбарлари (директори О. Раупов) мол айирбошлаш баҳонаси билан чет элда тайёрланган ширинлик маҳсулотларининг бир қисмини томсклик кооператорларга 21 минг сўмга пуллашга ҳаракат қилишди. Текширишда ушбу универмаг ҳузурида очилган ёғоч-тахта магазинида ҳам сунистеъмолликлар рўй бераётгани аниқланди.

Чакана нархлар ошганидан сўнг аҳолининг кам даромадли қисми жабр чекмаслиги учун савдо тармоқлари ишини назорат қилиб бориш — мутасадди ва жамоат ташкилотларининг шу кундаги асосий вазифаси. Яқинда шу мақсадда ўтказилган рейдда ўрта ва олий ўқув юртлари, мактаблардаги ошхоналарда 1,5 сўмлик бепул талонлар жорий этилгандан кейинги аҳвол текшириб чиқилди. Бир қошиқ қурум бир бочка асални бузганидек, айрим нопок шахсларнинг қинғир ишлари шу йўлда қилинган хайрли ишларга заррар етказаётгани, кишиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани ҳам маълум бўлди. Енгил ва озиқ-овқат саноати технологияси институти ошхоналаридан бирининг бош пазандаси С. Собиров талаба ҳақидан талонга қўшимча 87 тийин уриб қолмоқчи бўлди. Бундай воқеалар бошқа ошхоналарда ҳам содир бўлаётган эди.

Савдодаги қинғир ишларнинг пайини қирқиш мақсадида назоратнинг янги таъсирчан шаклларини жорий этиш тадбирлари кўрилмоқда. Асосий диққат-эътибор тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечакни тўғри тақсимлаш ишига қаратилмоқда. Шу мақсадда синов тарзида оператив ходимларнинг алоҳида гуруҳи ташкил қилиниб, халқ истеъмоли моллари, темир йўл транспортидан туширилганидан кейинги барча ҳаракатлар қатъий назоратга олинди. Бу эса нопок шахсларни саросимага тушириши табиий ҳол.

Назаримизда, ички ишлар системасида иқтисодий жиноятчиликнинг ўсиши тегишли рақамларга таяниб тўғри таҳлил этилмаяпти. Юқори органлар ҳамон жиноятлар очилишида миқдор кўрсаткичларини кузатиб боришаяпти. Бу эса оператив ходимларнинг меҳнат самараси тўғри баҳоланмаслигига олиб келаётир. Масалан, Бухоро вилоятида ўтган йили социалистик мулкни кўп миқдорда ўғирлашга оид 15 та жиноят фош этилди. Уларнинг ҳар бири бўйича давлатга 60 минг сўмдан 1,5 миллион сўмгача миқдорда иқтисодий зарар кўрсатишга уринишган. Ўюшган иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш шароитида бундай фаолият яхши тақдирланиши катта аҳамиятга эга.

Мақсад ҳозирги мураккаб вазиятда меҳнаткашлар манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, савдодаги жиноятчиликка қарши қатъият билан кураш олиб боришдир.

Т. МАННОПОВ,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғи.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Олтин тўй

ЭЛ ЭҲТИРОМИ

Деярли ярим асрдан ортиқ вақтдан буён ўзбек санъатига озмикўпми хизмати сингиб келаётган Убайдулла Мадраҳимов ва Эргашхон Мирмаҳмудовалар хонадони шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Бу икки ҳамнафас санъаткор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар оила қурганликларининг 50 йиллик олтин тўйларини ўтказмоқдалар. Бундан ярим аср аввал ўзларининг илк актёрлик фаолиятларини «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра» каби спектакларда бошлаб, ҳаётда ҳам ўзлари ижро этган қаҳрамонлари сингари севгида, турмушда бир-бирларига содиқ эканликларини исботлашди. Гўзал Фарғона водийсида туғилиб, вояга етиб, тақдирларини жумҳуриятимиз тарихи билан чамбарчас боғлашди. Катта Фарғона канали қурилиши, Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги тикланиш даври... Ана шу улкан жабҳалар улар учун ҳам катта имтиҳон даври бўлди. Ўз санъатлари билан элга астойдил хизмат қилдилар. Шу туфайли уларни бугунги қувончли онларида эл-юрт қутламоқда. Бугунги тантаналарга узоқ ёшлик йилларида улар билан бирга ҳамнафас сафдошлари ва дўстлари — Тамарахоним, Фахриддин Умаров, Меҳри Абдуллаева, Ориф Алимақсумов ва бошқа қатор сафдошлари таш риф буюриб, олтин тўйлари билан чин дилдан қутладилар. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси эса тўй сабабчиларини қутлуғ сана билан қизғин муборакбод этди.

Убайдулла ака ва Эргашхон опалар вояга етказган олти нафар фарзандлари ҳам ота-она изидан бориб, айни вақтда эл хизматида. Насибахон ва Зиёдахон Мадраҳимовалар «Баҳор» давлат рақс ансамблида ўзларининг нафис ва жозибали рақслари билан шинавандалар меҳрини қозонишяпти.

Шу кунларда бу қутлуғ хонадонга республикамизнинг барча ерларидан қутлов хатлари ва табриклар тинимсиз келиб турибди. Бу халқ меҳри, шинавандалар эҳтироми, санъатсеварлар ташаккури ва эл-юрт эҳтироминнинг чинакам рамзи.

СУРАТДА: санъаткорлар онласида шодиёна.

М. НАЗАРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ БЮРОСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МИШ-МИШ ТАРҚАТУВЧИ ИҒВОГАРЛАР

Қўқондаги Пугачев, Узоқов, Канарев кўчаларидаги бир қанча уйларда яшовчилар апрель кунларининг бирида ўзларининг почта қутиларидан иғвогарлик мазмунидаги варақаларни топиб, ҳайрон бўлиб қолишди. Бу варақаларда яҳудий ва арман миллатига мансуб кишиларга, омон қолай десанг май ойигача республикадан чиқиб кет, деб таклиф қилинган эди. Бир неча кун ўтгач, номаълум иғвогарларнинг бундай «маҳсулоти» Наманганда ҳам пайдо бўлди.

Лекин, уларнинг номаълумлиги узоққа чўзилмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тергов-оператив ва профилактика тадбирларини ўтказиши натижасида уларни тезда аниқлаб, жавобгарликка тортишга муваффақ бўлдилар. Бу шахслар одамларда ташвиш ва хавотирлик уйғотиш, беқарорлик ва ишончсизлик муҳитини вужудга келтириш учун ана шундай нопок ишлар билан шуғулланганлар. Бундай вазият турли ҳунук режаларни ва «яширин» ҳунарларни амалга ошириш учун жўда қулай бўлади.

Бундай иғво тарқатиб келган одамлар, кимлар? Улардан бири 19 яшар Зоҳид Раҳимов Андижон колхоз бозорида иғвогарона миш-мишлар тарқатиб, одамларнинг уйларига ўт қўйишга даъват этаётган пайтда ушланди. Унинг ўзи Андижондаги Оқёр қишлоғидан, ҳеч қаерда ишламайди. Суд жамоат тартибини бузган бу шахснинг ёшлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан 15 кун қамоқ жазоси белгилаш билан чекланди. Андижондаги «Шарқ» кафесида маст ҳолда худди шундай «жасорати» учун ҳеч қаерда ишламайдиган 20 яшар Ғайрат Мирзахонов ушланди. Халқ суди уни 30 кун қамоқ жазосига ҳукм қилди. Илгари у жиноят содир этганлиги учун судланганги ҳисобга олинди.

35 яшар Адмон Асқаров ҳам андижонлик. У икки марта судланган. Бошқа миллатга мансуб фуқаролар унга нима ёмонлик қилган экан, унга қайси ишда тўсқинлик қилган экан? Асқаров маст ҳолда уларни ҳақорат қила бошлади, «келгинди»ларни ўлдириш, уйларига ўт қўйиш керак, деб бақирди. Бундай даҳшатли сўзлардан кейин ҳеч қандай амалий ҳаракат бўлгани йўқ. Шунга қарамай халқ судьяси иғвогарликдан иборат гаплари учун безорини бир ой қамоқда сақлашга етарли асос бўлади, деб ҳисоблади.

Бурғуловчи Саидаҳмад Аъзамхонов ҳам ана шундай хатти-ҳаракатлари учун, тўғрироғи хатти-ҳаракат эмас, балки мастликда безорилик билан дўқ-пўписа қилганлиги учун ярим ой ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилди. Тўғри, унинг дўқ-пўписалари аниқ одамларга қаратилган эди: «Андижоннефтепром» посёлкасидаги «Универмаг» пештахталарида керакли газламани топа олмаган маст бурғуловчи сотувчиларга уйларингга ҳам, универмагингга ҳам ўт қўяман, деб дўқ урди. Рўза-ҳайит ўтгандан сўнг кунингни кўрасан, деди. Халқ суди эса рўза-ҳайит ўтишини кутиб ўтирмай ҳукм чиқарди. Ахир, дўконларнинг пештахталарида газлама эмас, бошқа молларни ҳам топиб бўлмайди-да.

Миллатлараро нифоқ солишга қаратилган бундай ишлар пухта текшириб чиқилганда иғвогарлар ортида ҳеч қандай ташкилот ёки гуруҳ йўқлиги маълум бўлди. Улар ҳеч кимнинг иродасини ифодалаган эмас, уларнинг ҳаммаси шахсий қийинчиликлардан дарғазаб бўлган кишиларнинг маст ҳолда безорилик қилишидан иборат. Лекин бундай аҳволга бепарволик билан қараб бўлмайди. Мазкур ишлар юзасидан халқ судининг чиқарган ҳукмлари: давлатда миллатлараро нифоқни келтириб чиқаришга ҳар қандай уринишларни жазолайдиган қонун мавжуд экан, бу қонунни ҳар бир киши ҳурмат қилиши ва бажариши шарт, деб огоҳлантирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, республика Ички ишлар вазирлигида «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди. 33-63-77 ёки 56-56-14 рақамларини исталган вақтда териб, ўз ташвишларингизни айтишингиз, аниқ воқеалар юзасидан тушунтириш олишингиз, у ёки бу вазият юзасидан маслаҳатлашишингиз мумкин.

Одобнома

ОНА

Бир дўстимнинг ҳикоя қилишича у сафарда бўлибди. Ҳамроҳлари билан шаҳар айланиб, тарихий жойларга ташриф буюришибди. Бир вақт денгиз бўйидан чиқиб қолишибди. Ёз. Жазирама иссиқ. Денгиз бўйи дам олувчию чўмилувчилар билан гавжум экан. Улар орасида ярим яланғоч, беҳаёларча санқиб юрувчилар ҳам бор экан. Ҳатто ўшандай аҳволда улар ошхоналарда, серқатнов йўлларда ҳам пайдо бўлиб қолишаркан...

Дўстлар денгиз бўйида эсдалик учун суратга тушибдилар. Сафар тугаб ҳамма уй-уйига тарқалибди. Кетлариданоқ ўша суратлар ҳам етиб келибди. Сурат эгаларига тарқатилибди. Раис бува бўлса уни олишга иймаланибди: «Қандоқ бўларкин, йўқ, яхшиси қўяверинглар» дермиш нуқул.

— Ие, шунча кун туз-намак бўлдик. Бир бурда нонни бўлиб едик. Олинг, эсдалик бўлади-я!

— Йўқ, мени қўяверинглар! — дермиш яна.

Собиқ сафардошлар ҳайрон эмишлар. Раис бувага нима бўлди ёки хафа қилиб қўйдикми, дея ҳижолатга тушишибди.

Раис бува бирпас жимиб қолиб ва ниҳоят тиш ёрибди:

— Бир эмас, бир кун уни онам кўриб қолишларидан ҳижолатдаман... Унда нима деган одам бўламан...

Дўст-ёрлари суратга синчковлик билан разм солишибди. Унда ярим яланғоч одамлар ҳам узоқ-узоқдан «жамол» кўрсатиб туришаркан. Ҳамма гап шунда эканига тушунишибди. Ана онага ҳурмату эътиқод, деган ўй ҳар қайсиларининг кўнглидан ёруғ нур бўлиб ўтибди...

Яна бир мисол. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист С. Улуғов дўстларини тўйга таклиф қилди.

— Тўйни ичкиликсиз ўтказмоқчиман. Онам ароқ қўйсанг тўйингга бормайман, — дедилар. — Эл олдига ахир онамсиз дастурхон ёзолмайман, — деди у қатъий.

Тўй маромида ўтди. Она ҳам, ўғил ҳам бундан ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

ДЎСТ

Салоҳиддиннинг Ҳошим деган қирғиз дўсти бор. Ҳошим маҳаллага ош берса, андижонлик биродари қўл қовуштириб «келинг-келинг»ни бажо келтиради. Салоҳиддин тўй қилса мосилик оғайниси бел боғлаб хизматга тайёр бўлади. Уларнинг орасидаги борди-келди, оқибат шу даражада томир отганки, бир ҳафта хабардор бўлишмаса, телефонга ёпишадилар, таниш-билишларидан йўқлаттиришади...

Уш фожиалари юз берди-ю ҳар иккаласи ҳижолатда. Дўстлигимиз нима бўлади? Салоҳиддин ўғилларини уйлантирмоқчи-ю шу ҳақда ўйлайди. Эл-юртга берилган ош дўстсиз татимаётгандай туюлаверади. Дўстсиз бошим — тузсиз ошим, деган доно халқ мақоли ёдига тушди. Бўлмади. Бир ҳафта аввал таклифнома жўнатилди.

Тўй куни дўсти эмас, почтальон кириб келди. Қирғизистондан келган хатни тутқазди.

Салоҳиддин варақни ёзди. Варақ ёмғирда қолгандай доғ эди: «Таклифнома учун раҳмат. Тўй билан табриклайман. Илоҳим фарзандларингни камолини кўр, бахтли бўлишсин. Ота-онасига меҳрибон, оқибатли оила вужудга келаётганига ишончим комил. Сендай дўст, дардкаш бўлишни истайман ва шунга комилман. Тўйингга боришни, сўзга чиқишни, қирғизона ўйнаб беришни жуда-жуда истар эдим. Чунки, андижонлик дўстларни соғиндим. Афсуски, яна бир карра афсус. Тўйга бора олмаганимдан ҳижолатдаман. Дўстим, қайси бетим билан, қайси виждоним билан тўйга бораман. Бетим чидамайди, бетим! Виждоним азоб беряпти»...

Андижон шаҳрида яшовчи Салоҳиддин Отахонов хатни шу ергача ўқиди-ю, юраги хапқириб кетди. Кўнгли тўлиб-тошиб кетаётгандай туюлди. Шунда қирғиз дўстидан келган мактуб ёмғирда қолган қоғозга эмас, балки кўз ёшлари тўкилаётиб ёзилганини ҳис этди...

УКА

Ўшанда Олтинкўл район партия қўмитасидаги ўртоқларга анча қийин бўлди. Гап шундаки, улар район ижроия қўмитаси раисининг муовини вазифасига тавсия этган Одилжон Қодиров икки оёғини бир этикка тиқиб кўнмай туриб олди.

Райкомдагилар ҳайрон. Усадиган йигит эди. Билимдон, ақлли, ўзини босиб олган, оқ-қоранинг фарқига боради. Нега кўнмайди? Ахир шу ўринга менинг номзодимни қўйинглар деб юрганлар озми?! Одилжон муносиб эди.

— Биз тавсия қиляпмизми, бўласиз! — деб ўз навбатида оёқ тираб олишди райкомдагилар.

Унинг ҳужжатлари тайёрланди, тавсиялар олинди, ҳамкасбларининг фикрлари ўрганилди. Барибир Одилжон қайсарлик қилиб туриб олди.

— Одилжоннинг кўнмаётганлигининг сабабларини билмоқчи бўлдим, — дейди ўша пайтда Олтинкўл район партия қўмитасининг котиби бўлиб ишлаган бир ўртоқ. — У нимадандир иймонар эди.

Охири Одилжон Қодиров ёрилди!

— Акам бор, — деди у. — Болаликдан фалаж. Унга қарайман. Амалдор бўлиб қолсам, вақтида уйга келолмайман. Акам...

Шундай укалар бор бўлсин.

САВОБ

Ота саксон етти ёшга кирди. Юришлари дадил, сўзлари бийрон. Уни маҳалланинг гоҳ у хонадонида, гоҳ бу хонадонида учратиш мумкин. Қари билганни пари билмайди деганларидек, ўзининг ҳадисиома ҳикматли ўгитлари билан кишиларга маънавий далда беради. Оғир дамларда чигалнинг ечимини топиб бериш билан оталиқ қилгандай бўлади. У Улуғ Ватан урушининг иккинчи гуруҳ ногирони, 200 сўмдан мўлроқ нафақа олиб туради. Ўғиллари топармон-тутармон. Шунинг учунми нафақасини ишлатишга ҳожат қолмай, тўплаб қўядиган бўлди.

Уларнинг маҳалласида Оталар чойхонаси ҳашар йўли билан қурила бошланди. «Чойхона-ку бўлянти. Мозор четида бўш жой ётибди. Масжид қурилса ёмон бўлмас эди».

Унинг бу фикрини ҳамма маҳалладошлари қўллаб-қувватлашди. Ҳар ким чойхона ва масжид қурилишига баҳоли қудрат кўмаклашадиган бўлишди. Қурилиш ниҳоясига етай деб қолганда ишлар бирдан тўхтаб қолди. Ҳашарга мутасадди бўлган кишилар ҳадеб қўлидан пул сўрашга ботина олмайдилар. Ҳадеб «ёрдам қилинглар» деявериш ахир инсофдан эмас-да...

Бу воқеадан хабар топган ота тўплаган пулини санашга тушди. Эртасигаёқ икки минг сўмни қурилишда андармон бўлаётганларга берди.

— Етадими? — сўради ота.

— Етади! — дейишди усталар ҳурсанд бўлишиб.

— Лекин бир илтимосим бор, — деди Ота. Ҳеч ким билмасин... Миннат қилгандай бўлиб қолади-я...

ҚАБУЛХОНАДА

У бизни совуқ кутиб олди. Хонасига ҳам кетидан эргашиб киргандай бўлдик. Энг қизиғи шуки, у биримизга стул олиб рўпарасига ўтиришни буюрди. Андижон вилоятининг Марҳамат районида прокурор бўлиб ишлайдиган бу ҳуқуқшуноснинг сўзлари нуқул рақамлардан иборат эди. «Фалон модданинг фалон бандида айтилгандай» деган гапларгина унинг нутқ бойлигини ташкил қиларди.

Унинг хонасидан чиқарканмиз бизнику шундай қабул қилди, оддий колхозчи ёки ишчининг ҳоли нима кечаркин деган ташвишда кетдик.

Дил хиралигимизни Ильичевск шаҳар ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Муроджон Шерматов ёзиб ташлади. Биз унинг қабулида ўтириб кўнглимиз ёришиб кетганини ҳам билмай қолдик.

Хонага Ильич кўчаси, 16-уйда яшовчи Ҳамрохон опа Мамажонова кириб келди. Бу аёлнинг эри яқинда тўсатдан вафот этган экан. Бир этак болалари билан қолибди. Бунинг устига уй қураётган экан, деворлари тикка бўлибди. Қолганини келгуси йилда давом эттирмоқчи, деворни ёпиб қўйгани қора қоғоз излаб юрибди экан...

Депутат опанинг арзини эшитди. Аризасини олиб қўл қўйди. Дарҳол матлубот жамиятининг базасига боришини тайинлади. Аёл чиқиб кетаётган эди, тўхтатди.

— Опа, кўмир олдингизми?

— Йўқ...

Раис тўрт тонна кўмир ёзиб берди.

Опа чеҳраси ёришиб чиқиб кетди.

Муқимжон НИЁЗОВ.

СПОРТ

КУРАШ:

ЁШЛАР БЕЛЛАШГАНДА

● Самарқанд олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган беллашувлар кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Студентлар спартакиадаси дастури бўйича ўтказилган баҳсда эркин курашчилар ўзаро куч синашдилар. Мусобақада Ф. Хўжаев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалиги илмгоҳи курашчилари ғалаба қозонишди. Шунингдек, бу жамоа самбо бўйича ҳам ғолиблик супасига кўтарилди.

ФУТБОЛ:

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВЛАР

● Иккинчи лиганинг шарқий минтақасида ўтказилган навбатдаги учрашувларда жумҳуриятимиз жамоалари деярли имкониятларини бой беришди: «Трактор» — «Нурафшон» — 0:1; «Восток» — «Сурхон» —1:0, «Целинник» — «Сўғдиёна» — 2:0, «Шахтёр» — «Автомобилист» — 1:0, «Еттису» — «Косонсойчи» — 1:0. Урта Осиё минтақасида бўлиб ўтган 8-тур ўйинларидан кейин Тошкентнинг «Трактор» футболчилари 15 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Соҳибкор» ҳисобида 12 очко бор.

• ИНСОН ВА ҚОНУН

ОИЛА ЗАМИНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Бекатда уч киши суҳбатлашиб турар эдик. Автобуссдан нозик қўллари билан чақалоқни бағрига босган навниҳолгина қиз тушди. Суҳбат мавзуи дарров ўзгарди:

— Қизларингизни чиқариб қўйдингиз-а?

— Каттасини жуда ёш узатиб юборган эканмиз. Йил ўтмай фарзандли бўлди. Умрини берсин, аммо боши касалдан чиқмаётибди. Ўзи ҳали бола. Энди кичигимизни узатишга шошмаяпмиз. Сал суяги қотсин, деяпти онаси.

— Чакки қиласиз, — деди иккинчи ҳамроҳимиз. — Мана биз шундай фикрда бўлиб, қизимизнинг бахтини боғлаб қўйдик. Ўттизга яқинлашяпти, уйда ўтирибди.

Ҳа, янги оила пайдо бўлиши жамият ҳаётида энг нозик ва зарур жараён. Унга сира лоқайд қараб бўлмайди. Оила ҳар бир кишининг ҳаётида катта ўрин тутади. Оилавий муносабатлар жамият ва шахснинг бошқа муҳим масалалари каби ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Оила никоҳ асосида қурилади. Оила Конституциямизда уқтирилганидек, давлат муҳофазасига олинган. Никоҳнинг биринчи шарти ўзаро розилик. Иккинчи шарти эса биринчиси билан бевосита боғлиқ — никоҳга кирувчиларнинг балоғат ёши. Бу ерда шахснинг нафақат онг даражаси, балки унинг жисмоний етуклиги ҳам ҳисобга олинади. Мамлакатда ёши 18 га етганлар никоҳдан ўтиши белгиланган. Иттифоқдош республикаларга никоҳ ёшини икки йил камайтириш ҳуқуқи берилган. Бу имкониятдан Ўзбекистон ва Украина фойдаланади. Улар қабул қилган оила никоҳ Кодексига мувофиқ қизлар 17 ёшда никоҳдан ўтишлари мумкин.

Ўзбекистон ССРда айрим истисно ҳолларда никоҳ ёши халқ депутатлари район ва шаҳар Кенгашлари ижроия комитетлари томонидан яна бир йилга қисқартирилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Амалдаги қонунчилик фақат фуқаролик ҳолатларини қайд этиш (ЗАГС) идоралари раснмийлаштирган никоҳларнигина тан олади. Никоҳ шартларининг ҳар қандай бузилиши жиноий жавобгарликка тортишга олиб келади. Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 98-моддасида никоҳ ёшига, шунингдек, жисмоний балоғатга етмаганлар билан никоҳдан ўтганларнинг жавобгарлиги белгиланган. Шу қонун моддаси никоҳ ёшига етмаган қизларни эрга берганлик учун ота-оналар ва бошқа шахсларнинг жавобгарлигини кўзда тутади.

Республика Прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширув чоғида бу соҳада қонун бузилиши фактлари аниқланди. Айниқса, Наманган, Андижон ва бошқа вилоятларда никоҳ ёшига етмаган қизларни эрга бериб юбориш воқеалари кўп учрайди. Наманган вилоятининг ўзида 22 та шундай воқеа содир бўлган. Бу вилоятда 14 ёшли икки норасида узатилган, энди 15 ёшга етган етти қиз ва16 ёшли ўн уч қиз узатиб юборилган. Уларнинг ҳаммаси ўрта умумтаълим мактабларининг ўқувчиларидир.

Қонунчиликнинг бундай тарзда бузилиш сабабларидан бири — балоғатга етмай узатилган қизларнинг ота-оналари маҳаллий анъана ва урф-одатларга кўр-кўрона амал қилиб, қариндош-уруғчилик муносабатларини сақлаб қолиш мақсадини кўзлашганларидадир. Ота-оналар ва оиладаги ёши катта аъзолар балоғатга етмаган фарзандларга нисбатан бундай муносабатлар нафақат турмуш тарзи дарз кетиши, балки айни пайтда қутилмаган ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини ўйлаб кўрмайдилар. Бунда, аввало ўсмирларнинг ҳуқуқлари поймол этилади. Эрта никоҳ мазкур болалар ва келгуси авлод саломатлигига раҳна солади. Эрта узатилган қиз болалар олдида мактаб таълими олиш ва маълумотларини оширишда қийинчилик пайдо бўлади. Қайд этилган далилларга асосланиб прокуратура идоралари норасида қизларни узатган ота-оналарга нисбатан жиноий иш қўзғади. Улардан айримларига умумий мажбурий ўрта таълимга тўсқинлик қилганликлари учун жиноий иш очилди.

Фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз манфаатлари ҳаммамизни ҳушёр ва соғлом фикрлашга даъват этиши лозим. Ижтимоий тафаккур эса тани-жони соғ, фикри тиниқ одамларга хосдир. Ўғил-қизлари етук инсон, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишини истаган ота-оналар ҳеч қачон, айниқса фарзандларини турмушга узатишда шошқалоқликка йўл қўймайдилар. Жамиятимиз ҳуқуқий давлат қураётган экан, қонунларга қатъий риоя қилайлик.

М. МАННОНОВ,
Ўзбекистон ССР Прокуратураси балоғатга етмаган ёшлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўлимининг бошлиғи.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг

М. УЙҒУР НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ ҚОШИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ЎРТА МАХСУС САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МУСИҚА ЕКИ ТАСВИРИЙ САНЪАТГА АЛОҲИДА ҚОБИЛИЯТИ БЎЛГАН ЕТТИ ЁШЛИ БОЛАЛАРНИ

1991—1992 ўқув йили учун

БИРИНЧИ СИНФЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ (рубоб, дутор, ғижжак, доира, чанг) **БЎЛИМИГА** умумтаълим мактабларининг бешинчи синфига ўтган ўн икки ёшли болалар қабул қилинади.

МУСИҚА (фортепьяно, скрипка, альт, виолончель) **БЎЛИМИГА** тегишли синф ҳажмида мусиқа тайёргарлигига эга бўлган болалар учун 2—9 синфларга қўшимча қабул эълон қилинади.

АРИЗАЛАР 1991 ЙИЛНИНГ 5 МАЙИДАН 25 МАЙИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 ИЮНДА БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (нусхаси), ота-онасининг иш жойидан 1990 йилдаги маошлари ойма-ой кўрсатилган маълумотнома. Боланинг саломатлиги тўғрисида район руҳшуносневрологининг маълумотномаси.

Мактаб-интернат манзили: 700152, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, В-22 мавзеси, 1 «а» уй (2, 13, 33, 41, 50, 75, 77, 78, 97-автобуслар; 12, 13-троллейбуслар-нинг «Подмосковная» автостанцияси» бекати). Телефонлар: 74-92-21, 74-96-45.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

1 май соат 12.00 ва19.00 да

Катта байрам концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

Малика АҲМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон ШУКУРОВ, Абдулла БОЗОРОВ ва бошқалар.

Чиптолар театр кассасида соат 10 дан бошлаб сотилмоқда.

Телефон 33-90-81.

«Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 23 апрель сонида эълон қилинган ютуқли омонатларнинг 97-ютуқлар тиражи расмий жадвалидаги А—991 счёт номери А—911 деб тузатиб ўқилсин.

ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ЖУМҲУРИЯТ АҲОЛИСИ

ДИҚҚАТИГА!

Агар ўзингиз раҳбарлик қилаётган жамоа ҳаёти, илғор иш тажрибаси, айрим бўлим-бригадалар иш услуби, техника хавфсизлиги, ўқув-қўлланма ёки оилангиз ҳаётидаги муҳим воқеа, қувончли кун ва бошқа мавзуларда рангли видеофильмлар (ўзбек, рус ва ҳоҳлаган тилда) яратиш орзуси бўлса — марҳамат Ўзбекистон Видео марказининг мутахассислари хизматингизга тайёрдирлар.

Буюртмалар нархи суръатга олинадиган мавзунинг мураккаблиги ва видеофильмнинг ҳажмига қараб белгиланади.

Буюртма банк орқали пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан бажарилади.

Хат ёки телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават 46-хона.

Телефонлар: 44-19-41, 44-23-47.

Ўзбекистон Компартияси Жиззах вилоят қўмитаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Э. Турсуновга онаси

Шарифа УМАРАЛИЕВАнинг

вафот этганлигини билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи ректорати ва жамоат ташкилотлари тўқимачилик материалшунослик кафедрасининг доценти Ф. М. Ғуломовага отаси

Маҳкам Умарович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ -одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 81. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12